

№1-28 D-VI Тоғошевко 2011

ERURSEN SHOH, AGAR OGONSEN SEN, AGAR OGONSEN SEN, SHOHSEN SEN

Хабар

1
(955)-son

7-yanvar

www.xabar.uz
info@xabar.uz
xabar@uzpak.uz

2011

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАСHTИРИШ АГЕНТЛИГИ НАШРИ

1992-yil martdan chiqq boshlagan

ТАДБИРКОРЛИК ва ахборот технологиялари

ИСЛОХОТ ОДИМЛАРИ

Мамлакатимизда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида кенг кўламли ислохотлар олиб бориляпти. Амалга ошириляётган ишлар самараси ўларок, ахборот-коммуникация технологияларининг ривож тобора жадаллашиб бормокда. Корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватлари ўсиб, сўнгги авлод техника ва технологиялари жорий этиляпти. Электрон ҳужжат айланиши тизими, электрон рақамли имзо, "ZiyoNET" тармонини кенгайтириш, дастурий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш юзасидан муайян ишлар қилинди. Ҳозирги пайтда мамлакатимизда дастурий маҳсулот чиқарадиган 230га яқин корхона ва ташкилот ишлаб турибди, 264 номда дастурий маҳсулот рўйхатга олинди, ишлаб чиқарилмокда. Шу ўринда маҳаллий софтвер компаниялари учун солиқ тўловларида имтиёзлар жорий қилингани ўз натижасини кўрсатганини ҳам эътироф этиб ўтиш жоиз.



5-бет

Ушбу сонда:

- Хайрли тадбирлар ҳосили 2

- Улкан режалар 3

- Это было недавно... 6

- Маҳлиёнинг маҳорати 13

- Нобел мукофоти қандай мукофот? 16



Алоқа оламида:

Сўнгги янгилик!

Америкалик ва шотландиялик олимлар 1000 ядроли процессор яратишди. Маълумотларга қараганда, айни пайтда бир сонияда 5 Гб маълумотга ишлов берувчи келажак микропроцессори устидаги ишлар ниҳоясига етказилган. Бу энг кучли процессорларга эга замонавий компьютерлар самардорлигидан йигирма баравар юқоридир. Чипни ҳар бири алоҳида вазифа бажарувчи мингта ҳалқага ажратувчи дастурланувчи мантиқий матрица (FPGA)дан фойдаланиш орқали кўзланган мақсадга эришилди. Бундан ташқари, олимлар тезликни янада кучайтириш учун ҳар бир ядрога алоҳида хотира ўрнатишди.

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

ИНТЕРНЕТ ХАМКОРИМИЗ

UzNet
Internet Service Provider

сифат рамзидир

Jumadan Jumagacha

Матбуотда Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон халқига Янги йил табриги эълон қилинди.

Республикаимизнинг барча вилоятларида Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ҳамда кам таъминланган оилалар фарзандлари учун Янги йил томошалари ўтказилиб, уларга Президент совгалари топширилди.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида паспорт тизimini такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони чоп этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг қўйи палатадаги фракцияси ҳамда Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси ҳамкорлигида парламент эшитуви ўтказилди. Тадбиркорликни ривожлантиришга оид қонунларнинг Қашқадарё вилоятида ижро этилишига бағишланган ушбу тадбирда қўйи палата депутатлари, вилоят ҳокимлиги мутасаддилари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари ҳамда тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасида "Замонавий халқ таъботини ривожлантиришнинг илмий ва ҳуқуқий асосини яратиб — бугунги кун зарурати" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси журналист хотин-қизларнинг касб маҳорати ва интеллектуал савиясини юксалтириш ҳамда мамлакатнинг ижтимоий ҳаётидаги фаоллигини ошириш мақсадида 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган анъанавий "Атиргул" кўрик-танловини эълон қилди.

Андижон шаҳри ҳамда Пахтаобод, Қўрғонтепа ва Жалақудуқ туманларида асал маҳсулотлари ярмаркаси иш бошланди. Қарийб бир ой давом этди-ган ушбу тадбирда вилоятдаги барча асаларчилик фермер хўжаликлари ўз маҳсулотлари билан қатнашмоқда.

Ўзбекистон Бадий академиясининг марказий кўرғазмалар залида Янги йил байрами муносабати билан "Табият ва рассом" деб номланган анъанавий кўрғазма очилди. Кўрғазмада ўзбек рангтаъсирчиларининг 200 дан зиёд турли услуб ва йўналишлардаги асарлари намойиш қилинмоқда.

Хайрли тадбирлар

Яқунланган Баркамол авлод йили жамоамиз ҳаётида ҳам қувончли воқеаларга бой бўлди. Дастлаб вилоятимизда бевосита Республика халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан "Мактаб-кутубхона-оила-жамоат ташкилотлари" хайрия тадбирларини ўтказдик.

Қарийб тўрт ой давом этган бу мақсадли мавсум сабаб мавжуд мактабларнинг кутубхоналарига 57 минг 380 дона янги бадий адабиётлар совға қилинди. Шунингдек, ота-оналар ва маҳалла фуқаролар йиғинлари кўмағида 3 миллион 251 минг 626 сўмлик дарслик ва ўқув-методик қўлланмалари халқ таълими шохобчаларига топширилди. Аynи пайтда ахборот-ресурс марказлари ва кутубхоналарда амалдаги хайрия тадбирлари доирасида "Китобим — офтобим", "Энг яхши китобхон", "Энг билагон ўқувчи" кўрик-танловлари ўтказилиб, голиблар аниқланди.

"Мактаб-кутубхона-оила-жамоат ташкилотлари" хайрия тадбирларининг республика бўйича якуни май ойининг сўнги кунларида Қашқадарё вилоятида бўлди. Китоб марафони Китоб туманининг 4-, 28-умумий ўрта таълим мактабларида кўтаринки руҳда ташкил этилди. Эътиборлики, тадбирларда туман ҳокими, ота-оналар, кенг жамоатчилик вакиллари фаол иштирок этишди. Улар ҳар иккала мактаб кутубхонасига китоблар совға қилишди. Бу тажриба барчада катта таассурот қолдирди.

2010 йилда вилоятимиздаги ахборот-ресурс марказларида ёш китобхонлар билан ишлашни янада яхшилаш ва улар онгида маънавий ва маърифий тушунчаларни тўлароқ шакллантириш масаласига "Баркамол авлод йили Давлат дастури" доирасида эътибор қаратилди. "Энг фаол китобхон" кўрик-танловининг вилоят босқичида 7-9-синф ўқув-

чиларидан 15 нафари иштирок этишди. Булар зукколик бобида бир-бирларидан қолишмасликка ҳаракат қилишди. Аммо "Энг фаол китобхон" кўрик-танловининг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқи Узун туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг битирувчи синф ўқувчиси Шаҳноза Аминовага берилди. У мамлакат миқёсидаги баҳсда ҳам бўш келмай фахрли иккинчи ўринни эгаллади.

"Жаҳон халқ озгаки ижоди билагонлари" кўрик-танловининг барча босқичларида Шеробод туманидаги 56-умумий ўрта таълим мактабининг "Хумо" жамоасига тенг келадиганлар топилмади. Тошкент шаҳридаги мусиқа ва санъатга ихтисослаштирилган мактаб-интернатда бўлган республика кўрик-танлови қатнашчилари шерободлик ўқувчилар — Шоҳруҳ Одиллов, Умида Муҳиддинова, Дониёржон Зиёев ҳамда Манзура Тошбоеваларнинг истевлодига тан беришди.

Вилоятимизда илк бор ўтказилган "Китоб тақдироти" тадбирида Термиз шаҳридаги 10-, 11-, Музработ туманидаги 12-умумий ўрта таълим мактаблари қошидаги ахборот-ресурс марказлари, айниқса, фаол иштирок этишди. Ёзувчи Худойберди Тўхтабоевнинг "Ширин қовунлар мамлақати ёки сеҳргарлар жанги", шоир Сирожиддин Саиднинг "Дил фасли", Ойбекнинг "Олтин водийдан шабадалар" асарлари ҳамда "Олтин кўзадаги тўти", "Сахий ва Хасис", "Уч ҳақиқат" каби ўзбек халқ эртақлари асосидаги китоб тақдимоти тал-

ҲОСИЛ


бирлари ёшларнинг китоб қизиқишлари устуворлигини кўрсатди.

Таъкидлаш керакки, вилоят халқ таълими бошқармаси тасаруфидоги ахборот-ресурс марказларида фаолият кўрсатаётган ходимларнинг кўпчилиги юқори малака соҳиблари эканлиги билан ажралиб туради. Буни Баркамол авлод йили муносабати билан ўтказилган "Йилнинг энг яхши ахборот-ресурс маркази мутахассиси" кўрик-танлови натижаларидан ҳам билсак бўлади. Вилоят босқичи баҳсида Бойсундан Гулчехра Ражабова, Музработдан Меҳринисо Рўзқулова, Термиз шаҳридан Сафархол Турсунова, Қумқўрғондан Гулчехра Бекназарова-лар ўз маҳоратларини намойиш эта олишди. Қувонарлиси, Сафархол Турсунова республика кўрик-танловида "Йилнинг энг яхши ахборот-ресурс маркази мутахассиси" деб топилди.

Биз янги 2011 йилни ҳам яхши ниятлар билан бошладик. Жорий йилда ахборот-ресурс марказимиз юз фоиз электрон каталоглар асосида ишлашга ўтди. Бундан кейин ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш йўлида ҳормай-толмай ва тинимсиз изланиб меҳнат қилаверамиз.

Ҳамид ТўРАҚУЛОВ,
Сурхондарё вилояти
халқ таълими бошқармаси
хузуридаги АРМ раҳбари, Ўзбекистон халқ таълими аълочиси

Янги йил омадли бошланди



Ўтган 2010 йил бизга жуда омадли келди. Баркамол авлод йили Давлат дастури бўйича белгиланган ишларимизни муваффақиятли амалга оширдик.

Уч нафар ёш мутахассисни ишга қабул қилдик. На-шрларни ўз вақтида тарқатиш учун 14та ишчи ўрни яратдик. Меҳнатда алоҳида ўрнатилган кўрсатган ёшларни моддий ва маънавий рағбатлантирдик. Жамоа шартномасида кўрсатилган шартларни тўла бажаряпмиз.

Яна бир ютуғимиз — учта компютер сотиб олдик. 2009 йилда бешта сотиб олгандик. Ишмиши сифати ва тезкорлиги ошмоқда. Энг муҳими, обуна режасини юз фоиздан ошириб адо этдик. Бу ишда гайрат кўрсатганлар кўп бўлди. Айниқса, Гуласалхон Халилова, Хати-маҳон Гафурова, Лариса Танқова, Анваржон Тожибоевлар шижоат кўрсатдилар. Шунингдек, Учқўприк, Кува, Бешарик бўлимларидаги, Марғилон шаҳридаги ходимларимиз ҳар йилгидан ҳам кўпроқ тер тўкиб, обуна режасини 120-130 фоиздан ҳам оширишга мурасар бўлдилар.

Янги — 2011 йилимиз ҳам яхши бошланди. Ик-кита жойда матбуот дўконлари янгилари билан ал-маштирилди. Сиз суратда кўриб турганингиздан ҳам қулай, кўркем матбуот дўконлари қуриш ниятида-миз. Вилоят ҳокимлиги кўмағида яқинда "Энг яхши матбуот дўкони" тендер танлови эълон қилинди. Умид қиламизки, матбуот дўконларимиз янгича қиёфа касб этиши билан фаолиятимиз ҳам янада яхшиланади — халққа хизмат кўрсатиш сифати ҳар йилгидан ҳам ошади.

Мен республикаимиздаги барча ҳамкасбларимизга бизлар каби янгича куч-қувват билан иш бошлаш-ларида омад, улкан зафарлар тилайман.

Муҳаббатхон СОТВОЛДИЕВА,
Фарғона вилояти
"Матбуот тарқатувчи" ШК ходими

Улкан режалар

Ортада колган 2010 йил кашкадарёлик алоқачилар учун муваффақиятли йил бўлди. Одатда, йил якунланаётганида ишлар сарҳисоб қилинади. Улгурилмаган ишлар олдинга қўйилиб, янги режалар тузилади. Бу режаларни бажариш ҳар бир ходимдан фидойилликни талаб этади. Кашкадарёлик алоқачиларнинг янги йилдаги режалари эски йилдагига қараганда янада улгурок.

Одилбек ТУРДУНОВ,
ТАТУ Қарши филиали директори:

— Янги йил ҳам филиалимиз ҳаётида туб ўзгаришлар йили бўлади. Негаки “Тенг — тенгига” ёки “Тенгдош — тенгдошига” лойиҳаси асосида бошланган ишларимиз ўз самарасини бериши шубҳасиз. Янги қабул қилинган барча талабаларимизнинг олий ўқув юртига мослашуви жараёни бир хил бўлавермайди. Улар орасида коллеждан, ҳарбий хизматдан ёки бўлмаса бир неча йилги уринишлардан сўнг талабалик шарафига эга бўлганлар бор. Уларнинг компютер саводхонлиги, олий ўқув муассасасига мослашуви ҳам турлича. Лойиҳа асосида уларга компютер саводхонлигини ошириш мақсадида машғулотлар олиб борилади. Қишқи таътил кунларида машғулотлар олиб бориш аини муддао. Эътиборлиси, лойиҳада “Бунёдкор” ёшлар меҳнат отрядларида тобланган фаол ва изланувчан ёшлар билан бирга, филиалимизнинг тажрибали профессор-ўқитувчилари фаолият олиб борадилар.

Ўйлайманки, талаба ёшларимиз янги йилда ҳам вилоятимиз аҳолисининг компютер саводхонлигини ошириш ҳамда АКТни ривожлантиришида ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар. Филиалимизнинг илмий салоҳияти ошиб, соҳа корхоналари билан алоқалари янада кучайтирилади. Ўқув-ишлаб чиқариш лабораториясининг техник базаси, ахборот-ресурс маркази фонди кенгайтирилади. Республика ва халқаро танловларда иштирок этиш бўйича ҳозирдан изланиш ва тайёргарлик бошланган.

Жуманазар БОЗОРОВ,

“Кашкадарё Телеком” филиали директори:

— Вилоятимизда ўтказилган ахборот технологиялари миллий кўргазмаси яна бир бор имкониятларимизни юзга чиқарди. Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик йиллида ҳам филиалимиз жамоаси бу каби кўргазмаларда иштирок этиш ниятида бўлиб, янги йил режаларини аллақачон тузиб чиққанмиз. Мақсадимиз қишлоқ жойларида алоқа хизматини яхшилашни давом эттириш, рақамли станциялар доирасини кенгайтириш орқали қўшимча хизматлар кўрсатиш даражасини ошириш. Бунинг натижасида олинadиган соф даромад салмоғи ортиб, ишчи-хизматчиларнинг моддий манфаатдорлик даражаси ҳам кўтарилиб бораверади.

“ЎзМобайл” филиали билан биргаликда CDMA-450 стационар телефон аппаратларини аҳолига сотиш, алоқа симлари етиб бормаган жойларда алоқа хизматини кўрсатиш, интернетдан фойдаланишни кўпайтириш, янги манзилларда “Эл-СГМ” ускуналарини ўрнатиш асосий режаларимиздан ҳисобланади.

Бундан ташқари, вилоятдаги “Телеком наслчилиқ” шўъба корхонаси фаолиятини жалдлаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, тивит жунли ангор эчкилари етиштириш борасида бир қанча ютуқларни қўлга киритиш ниятидамиз. Уларнинг бош сонини кўпайтириш, қўтон ва чўпонлар уйидаги шаронларни янада яхшилаш, наслчилиқ ҳўжалиги учун зарур техника воситалари билан таъминлаш, узоқ муддатта олинган ердан унумли фойдаланиб, етиштирилаётган ҳосилдорликни ошириш, Дехқонобод туманининг ўзида жун титадиган цех ва эчки сутини қайта ишлаш корхонасини бунёд этиш ишларини якунига етказиш борасида изланишлар олиб бориляпти.

Солих ХАФИЗОВ,

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ

Кашкадарё филиали директори:

— Бизда ҳам янги йилда янги муваффақиятларни қўлга киритиш борасида изланишлар олиб борилмоқда. Асосий мақсадларимиздан бири жойларда фаолият олиб бораётган алоқа бўлимларида хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш ва хизмат турларини кўпайтириш. Алоқа бўлимларининг замонавийлигига эътибор қаратиб, ахборот-коммуникация технологиялари негизида хизматларнинг янги турларини жорий этиш, олис ва чекка ҳудуд аҳолисига ҳам кўрсатилаётган тезкор пул кўчириш, кўча алоқа бўлими ишларини жалдлаштириш, замонавий типдаги алоқа бўлимлари қаторига янгиликларни қўшиш, мавжудларини замон талаби даражасида қайта таъмирлаш асосий мақсадларимиздан ҳисобланади.

Аҳолидан коммунал тўловлар қабул қилиш борасида муваффақиятларга эришиш ҳам асосий мақсадларимиздан бири. Бундан ташқари, газета, китоб ва журналларнинг чакана савдосига, ишчи-хизматчиларга кўрсатилаётган ижтимоий ҳимоя масалаларига эътиборни ошириб, алоҳида ўрнатилган кўрсатилганларни ўз вақтида рағбатлантириб бориш, пенсия таъминотидаги узилишларнинг олдини олиш ниятидамиз.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
“Хабар”нинг Кашкадарё вилоятидаги мухбири

Ёши улуг ота-оналаримиз кўлларини дуога очганларида, албатта, юртга тинчлик-хотиржамлик тилашади. Бу дуо замиридаги истак канчалар улуг, канчалар азиз ва муқаррамлигини ҳис қила билмоғимиз зарур.

Улуғ неъмат

Яратганга беҳисоб шукрлар бўлсинки, Ўзбекистон аталмиш навқирон юртимизда тинчлик-хотиржамлик ва осойишталик ҳукмрон.

Бундай серкуёш ва тиниқ осмон остида яшаб ижод қилмаслик мумкинми? Яратувчанлик ва бунёдкорлик ҳиссини қалбимизга жо айламаслигимиз мумкинми?

Бизнинг гўзал табиатимиз, шўҳчан оқаётган сойларимиз, она заминимиз бағрида ястаниб ётган бепоён қир-адирларимиз, мевалари тиллога тенг боғ-роғларимиз ҳам тинчлигимизга шукрона айтаётгандек гўё.

Бу тинчлик ва хотиржамлик замирида қанчадан-қанча меҳнат ва машаққат борлигини ҳис қила билмоғимиз зарур. Ана шундай меҳнат ва машаққатларни ўзининг бурчи санаб, халқ осойишталиги йўлида керак бўлса кўксини қалқон қилишга тайёр турган мард, жасур Ватан ҳимоячиларимиз бор.

Улар кечани кеча, кундузни кундуз демасдан дала-даштарда, тоғу тошларда метирик каттиқ иро-

даси билан Ватан олдига қўйган юксак бурчни сидқидилдан адо этмоқдалар. Бундай алпқомат ва довурак ҳимоячилари бор юртда шоду хуррамлик, байрамлар ва фақат тўйлар қилса ярашади.

Бир неча йилдирки, ҳарбий имтиёзга эга захирадаги аскарларимиз юртимизнинг турли олий ўқув юртига имтиёзли равишда қабул қилиниб, таълим олмоқдалар. Шу жумладан, бизнинг ТАТУ Фарғона филиалида ҳам ана шундай йигитлар кўп.

Биз Ўзбекистон ёшлари ҳар қандай соҳада ва ҳар қандай жаҳода юртимизнинг порлоқ истиқболини ҳимоя этмоғимиз зарур. Шундагина тинчлигимиз абадий ва бардавом бўлади. Шу фурсатдан фойдаланиб, Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиали талабалари ҳамда устозлари номидан юртимиз осойишталиги йўлида хизмат қилаётган барча ҳарбий аскарларимизни ҳамда офицерларимизни яқинлашиб келаётган Ватан ҳимоячилари куни билан чин қалбдан муборакбод этамиз. Уларни битмас-туганмас ғайрат-шижоат тарк этмасин, деймиз. Байрамингиз билан, азиз ҳарбийлар!

Исоқжон ДЕҲҚОНОВ,
ТАТУ Фарғона филиали 2-босқич талабаси



Фахрийларнинг боши осмонда

Ёшим саксондан ошди. Мен билан тенгдош фахрийларнинг пешонасига оч-наҳор болаликнинг оғир дамлари ҳамда Иккинчи жаҳон урушининг суронли йиллари ёзилган эканки, ўша қийинчиликлар бутун умримга татиди. Ҳали-ҳамон тушларимда ўзим командирлик қилган полк одамларини кўраман, бошқарган самолётимда кўкларга парвоз қиламан.

Меҳнат фаолиятимнинг асосий қисми мустақилликкача бўлган даврга тўғри келди. Истиқлол йилларида қилса фурсат ишлаган бўлсамда, ривожига ўз ҳиссамни қўшган корхонам — Электромагнит мослашув марказининг қўлга киритган ютуқларида уллуғим борлигидан хурсандман.

Ҳозир нафақадаман. Лекин республикамиз алоқа соҳаси эришаётган ҳар бир ютуқ менга куч-қувват бағишлайди — бошим кўкка етади.

Мен аввало қадрдон корхонам жамоасини, қалаверса, юртимиз аҳолисига алоқа хизмати кўрсатиш сифатини ошириш йўлида астойдил меҳнат қилаётган барча алоқачиларни янги — 2011 йил билан барча фахрийлар номидан табриқлайман. Ишларида ривож, ўзларида мустақкам соғлиқ тилайман.

Марат ТЕШАБОВЕВ,
захирадаги полковник

Билим — давлат

Мамлакатимиз раҳбарининг биз ёшларга катта эътибор бериб келаётгани шу йил 17 декабр куни халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқида янада аққол намоён бўлди. Бу нутқни Ватанимизни севган, истиқболини ўйлаган ҳар бир киши эжон қулоғи билан тинглаб, газеталарда ўқиб, ўзига тегишли хулоса чиқариб олгани табиий, албатта. Мен ҳам элимиз учун ҳеч нимадан кам бўлмаган ҳаёт даражасини таъминлаш йўлида ўзини аямасдан ишлайдиган мутахассис бўлиб етишишим қанчалар зарурлигини яна бир марта юракдан ҳис этдим. Бой маънавий меросимизни, алоқа тарихини, иқтисодиёт соҳасини тинимсиз ўрганиб боришим лозимлигини ҳар қачонгидан ҳам теранроқ англадим.

Мен ТАТУнинг иқтисодиёт ва бошқарув факултетинида бюджет асосида ўқиб, тугаллаб, ҳисобчи-ёрдамчи бўлиб ишлайман. Келажакда магистратурада ҳам ўқиш аҳдим бор. Ахир, билим шундай давлатки, уни ҳеч ким тортиб ололмайди. Билимли одамгина халқига энг кўп фойда келтиради.

Мухсиножон ҒАНИЕВ,
Фарғона вилояти Бағдод тумани почта алоқа-си тармоғи ҳисобчи-ёрдамчиси

Xalqaro haqot



Япония-АҚШ:

ХАМКОРЛИКДА ЎҚУВ МАШКИ

Япония ва АҚШ ҳамкорликда кенг ҳажмдаги команда-штаб ўқувларини ўтказмоқчи. Унда Япониянинг жанубий чегараларида ҳамкорликдаги қўшинлар фаолиятини қайта кўриб чиқиш режалаштирилган. Ҳарбий машқлар 20 январдан 3 февралга қадар давом этади.

Шунингдек, ўқувларда икки давлат қуролли кучлари штаблари вакиллари ҳам иштирок этиб, япон архипелагининг жанубий оролларида қўрилган ҳужумлар бўйича амалиётлар ишлаб чиқишади. Ушбу амалиёт японларнинг Кюсю оролидаги Кэнгун ҳарбий базаси орқали бошқарилади.

ЭРОНДА ЗИЛЗИЛА

Эроннинг Форс музофотидаги Эрдакан (Сепидон) шаҳрида 5,3 баллга тенг ер силкиниши содир бўлди. МЕНР агентлигининг хабарига кўра, zilzila қўшни музофотларга таъсир кўрсатган.

Техрон университетининг Геофизика институти қошидаги Сейсмология маркази маълумот беришича, zilzila маҳаллий вақт билан 09:25 да содир бўлган. Форс музофотидаги 17 қишлоқ ва мавжуд биноларга жиддий зарар етган. Айрим уйлар бутунлай вайрон бўлган. Натижада 18 киши турли даражада жароҳатланган. Қутқарув-қидирув ишлари давом эттириляпти.

МУЗ ЁМФИРИ ЗАРАРИ

Синхуа агентлигининг хабар беришича, янги йилнинг илк кунидан бошлаб Хитойнинг Гуйчжоу музофотида ҳаво ҳароратининг кескин совиб кетиши музли ёмғирга сабаб бўлган. Муз ёмғирлари 200та уйга зарар етказган, 1,4 минг қўрилатган уй-жой бинолари томлари ҳам талофат кўрган. Тахминий ҳисобларга кўра, ноқудай об-ҳаво 1,8 миллион одамга ташвиш тугдирган. Деярли 80 минг гектар қишлоқ хўжалиги экинлари пайҳон бўлган. Иқтисодий зарар 300 миллион юан (45,3 млн. доллар)га баҳоланмоқда.

ЖАНГАРИЛАР ЙЎҚ КИЛИНДИ

Доғистоннинг Хасавюрт вилоятида махсус амалиёт ўтказилиши натижасида тўрт жангари йўқ қилинган. Бу ҳақда "Интерфакс" хабар тарқатган.

Контртеррорчилик амалиёти тартиби чоршанба кuni Хасавюрт туманларидан бирида ўтказилган. Махсус амалиёт чоғида ҳарбий ходимларга ҳеч қандай зиён етмаган. Миллий антитеррорчилик кўмитаси жангариларнинг "Махачқалъа террорчилик гуруҳи" билан алоқаси бор ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш органи ходимларини ўлдириш билан шуғулланиб келган, деб ҳисобламоқда.

БОШ ВАЗИР ХАТОЛАРНИ ТУЗАТМОҚЧИ

Япония бош вазири Наото Кан мuddатидан илгари сайловлар ўтказмоқчи эмас.

Бош вазирнинг маълум қилишича, унга ва у бошқараётган Япония демократик партиясига нисбатан ишончнинг жуда тушиб кетишига қарамай, у парламентни тарқатиб юбормайди ва мuddатидан олдин сайлов ўтказмайди.

"Ўтган йил биз жуда қийналдик ва барча муаммоларни ҳам етарлича ҳал эта олмаганимизни тушунамиз, — таъкидлаган Наото Кан. — Фақат мен олдимизга қўйилган барча мақсад ва вазифаларни бажариш, ўтган хатоларни тузатиш учун янги йил муваффақиятли бўлишига ишонаман."

Шунингдек, бош вазир матбуот анжуманида июн ойида мамлакатдаги амалдаги солиқ тизимига ўзгартишлар киритилиши режалаштирилганини маълум қилиб, бу масалада бошқа сиёсий партияларни фаол ҳамкорликка чақирди.

Интернет материаллари асосида
У.ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади

BIZNES

Samsung биринчи бўлмоқчи

Korea Times газетаси хабар тарқатишича, Samsung компанияси яқин уч йилда энг йирик мобил телефон ишлаб чиқарувчисига айланишни мақсад қилган. Айти пайтда биринчи ўрин Nokiaга тегишли, Samsung эса иккинчи погонани эгаллаб турибди.

Компания мобил қўрилмаларининг катта ярмини смартфонлар ташкил этади. Амалдаги йил компания учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

2011 йили компания телефонларининг асосий қисмини Хитой (60 фоиз), Ветнам (15 фоиз), Бразилия (6 фоиз) ва Ҳиндистон (5 фоиз)даги заводларда йиғишни режалаштирган.

TEKNOLOGIYALAR

Ягона зарядлаш қўрилмалари

Европа комиссияси бир хил зарядлаш қўрилмаси билан таъминланган мобил телефонлар Европада 2011 йилнинг дастлабки ойларидан пайдо бўлишига умид билдирган.

2009 йил июнида Nokia, Motorola Mobility, Apple, Samsung, Sony Ericsson, TCT Mobile (Alcatel), Emblaze Mobile, Huawei Technologies, LGE, NEC, Qualcomm, Research In Motion (RIM), Texas Instruments ва Atmel компаниялари икки йил мобайнида бир хил зарядлаш қўрилмалари ишлаб чиқариш борасида келишув имзолаганди. Зарядлаш қўрилмаси micro-USB стандартидаги кабелни қўллайди.

Европа мобил телефонлар бозоридаги 90 фоиз маҳсулот мазкур ишлаб чиқарувчилар зиммасига тўғри келади.



SIYOSAT

Йиқилган курашга тўймас...

АҚШ президенти ҳузурлидаги Фан ва техника бўйича миллий кенгаш «Топ-500» рейтингда ишлатиладиган суперкомпьютерлар самарадорлигини баҳолаш усулини танқид остига олди. Кенгаш рейтингни тузишда FLOPS тизими (сонияда қанча амалиёт бажарилиши) ягона мезон бўлмаслиги керак деган фикрни билдирган.

Эслаб ўтамиз, сўнгги рейтингда Хитойнинг сонияда 2,57 квадриллион амалиёт бажара оладиган Tianhe-1A суперкомпьютери илк бор юқори ўринга кўтарилган эди.

"Йиқилган курашга тўймас" — америкаликлар «Топ-500» ўрнига Graph500 рейтингини таклиф этишди. Янги тизим компьютернинг киберхавфсизлик, ижтимоий тармоқлар, тиббий ва молиявий иловалар билан ишлай олишини ҳам кўзда тутиши айтилган.

Энг асосийси, мутахассислар истиқболли технологиялар бир четда қолиб, суперкомпьютер оламида "қуролланиш пойгаси" бошланиб кетишидан хавотирдалар.



JAMIYAT

Болаларни асрайлик!

Турли электрон қўрилмалардан кўп фойдаланиш болаларнинг жодий қобилиятини пасайтириб юборди. Психолог ва профессор Кюнг Хи Ким шундай қарорга келди.



Маълумки, бировнинг кўмагига таяниб қолиш ва ўзлигини намоён эта олмаслик нафақат болалар, балки катталар учун ҳам долзарб муаммо саналади. Бу борала болаларга салбий таъсир мактаб ёки бошқа таълим масканида эмас, балки оилавий муҳит таъсирида намоён бўлади — айнан ота-она фарзандининг ижодий имкониятларини шакллантириши лозим.

Ваҳоланки, болалар уйда асосий вақтларини телевизор кўриш, компютерда ўйнаш ва ҳоказо замонавий қўрилмаларга сарфлашади. Айниқса, "зангори экран" орқали намоён этилаётган реклама роликлари болалар учун салбий ахборот ҳисобланаркан. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ҳатто таълимий телекўрсатувларнинг ҳам болалар учун фойдасидан зиёни кўп.

Компютер ўйинлари алоҳида бир мавзу. Тўғри, улар фикрни бир жойга тўплашга, шошилинч қарор чиқаришга ўргатади. Бироқ, шунга қарамастан, барча ўйинлар аввалдан дастурлаб қўйилгани сабабли ҳеч ким сценарийдан ташқарига чиқиб кета олмайди.

Кюнг Хи Кимнинг фикрича, болалар пластилиндан ўйинчоқлар ясаш, расм чизилиш, структуртор қўрилмалар ясашга жалб этилса мақсадга мувофиқдир.

Ким ҳақ?

Америкалик собиқ маркетингчи Дэниэл Бэлсэм саккиз йил аввал ишидан воз кечиб, умрини спамга қарши курашишга бағишлашини маълум қилганди. Ўтган йилларда у "ноўрин хабар" йўлловчи қатор компаниялар билан судлашиб чиқди ва 1 миллион доллар ишлаб олди.

Бироқ унинг спамга қарши курашиш усулини мутахассислар нотўғри деб топишди. Ҳатто унинг мақсади туб замирида спамга қарши курашиш ва қонунийликни таъминлаш эмас, балки молиявий манфаатлар ётганини айтишган.

Cisco Systems компанияси маълумот беришича, ҳозир дунё бўйича кунига спам мазмунидаги 200 миллиарддан ортиқ хат йўлланмоқда, бу умумий электрон почтанинг 90 фоизи демакдир.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Ўтган 2010 йилда “Баркамол авлод йили Давлат дастури” доирасида интернет хизматлари кўрсатиш қийматини янада пасайтириш ва сифатини яхшилаш мақсадида 1 июндан бошлаб Халқаро интернет каналлари сизими йил бошига нисбатан 24 фоизга оширилди. Интернет хизматлари учун белгиланган нархлар 19 фоизга камайтирилди. Бунинг самараси сифатида интернетдан фойдаланувчи фуқаролар сони 6,6 миллион нафардан ортганини, халқаро тармоқда хизматлар кўрсатаётган операторлар ва провайдерларнинг умумий сони эса 965тага етганини кўрсатиб ўтиш мумкин. Миллий ахборот ресурсларини ривожлантириш учун инфратузилма яратиш юзасидан “Ўзбектелеком” АК “Маълумотлар маркази” (Дата-центр) 2010 йил 1 июндан бошлаб тест тартибда ишга туширилди.

INVERSON Technologies SA (NEC) компанияси билан тузилган шартномага асосан Тошкент шаҳрига телезаттиришларни узатиш қурилмалари келтирилди ва монтаж ишлари тугатилиб, 18 июндан бошлаб тест тартибда ишга туширилди. Бугунги кунда Тошкент шаҳри ва вилояти ҳудудида 25та теледатур рақамли телезаттириш орқали тарқатилмоқда. Самарқанд шаҳрида 2010 йил 18 август куни рақамли телезаттириш ишга туширилди. Андижон, Қарши, Урганч ва Нукус шаҳарларига телезаттиришларни келтириш учун тендер савдолари ўтказилди ва тендер ғолиблари билан шартномалар имзоланди.

Галдаги вазифа

Президентимиз Ислоҳ Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётини янги босқичга кўтариш мақсадида 2011 йилни Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили деб эълон қилди. Табиийки, тараққиётимизнинг янада юксак босқичга кўтарилишида барча соҳалар каби алоҳида ва ахборотлаштириш соҳасининг ҳам ўрни ва унинг олдида қўйилган вазифалар бор.

Маълумки, ахборот-коммуникация технологиялари иқтисодийнинг турли бўғинларига кириб бориши ўзига хос эволюцияни бошлаб берди. Аввалги технологиялардан фарқли равишда АКТ қўлланилиши ва самаралилиги бўйича ҳақиқатда универсалдир. У соҳа танламайди, ҳар бир соҳанинг таркибий қисмига айланиб кета олади. Янги технологиялар ишлаб чиқариш самардорлигини оширибгина қолмай, вақт ва макон муаммоларини ҳал эта олади. Жаҳон тажрибаси шунга кўрсатадики, ишлаб чиқаришда ахборот технологияларидан фойдаланиш сармоялар сиёсати ва бизнеснинг хизматлар бозори йўналишида стратегик аҳамият касб этади.

Яратилган шарт-шароитлардан унумли фойдаланган ҳолда, инновацион технологияларни кенг қўллаш ҳисобига янги замонавий хизмат турларини жорий қилиш, сервис инфратузилмасини ривожлантириш ва

ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида қўшимча иш ўринлари ташкил этиш галдаги зарур вазифалар қаторига киради. Шу сабабли ҳам алоҳида соҳасида тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор ва ишлар кўлами жорий — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида янада оширилиши табиий ҳолдир.

Тизимни 2005 йили интернет-аукцион орқали 2,6 миллиард долларга сотишганди. 2009 йили мустақил дастурчи Маркус Перссон янги компьютер ўйини ишлаб чиқиб, интернетга жойлади. У бу иши орқали озгина ҳақ ишлаб олишни мақсад қилган эди. Бироқ ўйин шунчалар машҳур бўлиб кетдики, 2010 йилда уни 500 000дан ортиқ геймер 10 евродан сотиб олди. 31 ёшли Перссон 5 000 000 евро эгасига айлан-



ТАДБИРКОРЛИК ва ахборот технологиялари

Бизнес ва глобал тармок

Бизнесни шакллантиришда интернетнинг таъсирини эътибордан четда қолдириш мумкин эмас. Глобал тармок хизматлар кўрсатиш соҳасини кескин ривожлантириб юборди. Хизматлар нафақат реал шароитларда, балки виртуал олам орқали ҳам тақдим этилмоқда. Бу эса ҳар қандай чегара ва тўсиқларни олиб ташлади, жаҳон бозорлари эшигини очиб берди. Демак, замонавий технологиялар ёрдамида нафақат ички бозорларимизга, балки ташқи бозорларга ҳам ўз хизмат ва маҳсулотларимизни тақдим эта олишимиз мумкин. Кичик бизнес вакиллари ва хусусий тадбиркорлар ўртасида соғлом рақобатнинг юзга келиши ушбу жараённи янада тезлаштириши шубҳасиздир. 2010 йилда Швеция мамлақати қатор рейтинг ва ҳисон-

ди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Шунинг учун ҳам HP ва Microsoft каби гигант корпорациялар янги гоёларга эга иқтидорли тадбиркорларни қидириб топиш учун Швецияга ўз скаутларини тез-тез жўнатиб туради.

Тадбиркорлар учун қўлланма

АКТ имкониятларидан самарали фойдаланиш, нафақат шу соҳа вакиллари, балки ҳар бир тадбиркор учун тобора долзарблик касб этиб бормоқда. Албатта, бунда тадбиркорлар учун АКТ йўналишида ўзига хос билан талаб этилади. Яқинда АКТ йўналишида таниқли мутахассис, физика-математика фанлари номзоди, доцент — Сайёра Раҳмонкулованинг «Тадбиркорлар учун компьютер» номли китоби тайёрланди. Ушбу қўлланма кичик бизнес вакиллари ва хусусий тадбиркорлар учун мўлжалланган бўлиб, уларга ахборот технологиялари соҳасида малака оширишларида ёрдам бериш мақсадида яратилган.

Бундан ташқари, мазкур қўлланма тадбиркорларнинг республика ягона ахборот тизими ва халқаро тизимга боғланиш имкониятидан фойдаланишларида кўмак беради.

Қўлланмадан тадбиркорлар офис-

га қандай компьютер харид қилиш ва ундан фойдаланиш, матнлар билан ишлаш, билим ва кўникмаларни қандай қилиб такомиллаштириш, шунингдек, бизнесни бошқаришда компьютердан фойдаланиш бўйича саволларга жавоб оладилар. Китобда асосий эътибор тадбиркорларнинг кундалик фаолиятларидаги эҳтиёжларини қондиришда компьютер имкониятларидан унумли фойдаланишга қаратилган. Бу борада амалий мисоллар ва тавсиялар келтирилган. Китоб юртимиз тараққиётга беқиёс ҳисса қўшаётган кичик бизнес вакиллари ва тадбиркорларнинг АКТ соҳасида ўз билим ва малакаларини ошириб, меҳнат фаолиятларини янада ривожлантиришларида ёрдам бериши шубҳасиздир.

Хулоса

Бугун ҳеч бир соҳани ахборот технологияларидан айро ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Алоҳида ва ахборотлаштириш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асл моҳияти ҳам шу жараённи такомиллаштириш, ривожлантиришдан иборат. Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларга кенг имкониятлар бериш, уларнинг талаб ва тақлифларини ўрганган ҳолда истиқболли дастурлар ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунга мисол тариқасида 2010 йилнинг 21 декабр куни Ўзбекистон алоҳида ва ахборотлаштириш агентлигига соҳа раҳбарлари ва дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи, GPS хизмат кўрсатувчи ҳамда интернет провайдерларининг 70 нафардан ортиқ вакиллари иштирокида ўтказилган йиғилишни кўрсатиб ўтиш мумкин. Унда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш бўйича фикр ва ташаббуслар ўрганилди. Билдирилган истиқболли тақлифлар Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан тайёрланган давлат дастурига киритилиши белгиланди.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка эътибор — давлатимиз томонидан илгари сурилаётган илгор ва тараққий этган жамият барпо этиш борасидаги сиёсатнинг бир кўринишидир. Зеро, бозорларимизни рақобатдош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришда, аҳолимизни, авваламбор, ёшларимизни иш билан таъминлаш ва шу аснода уларнинг турмуш фаровонлигини оширишга эришишда айна шу соҳа — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тез ва жadal суръатлар билан ривожлантириш энг асосий омиллари бири ҳисобланди.

Лутфилло ТУРСУНОВ

ЭТО БЫЛО НЕДАВНО...

Прошло 20 лет. Хотелось бы вспомнить, как все начиналось. Вспомнить первые годы деятельности Государственной инспекции связи, поиски путей качественного контроля, достижения эффективности результатов, повышение авторитета ГИС у контролируемых предприятий.

Думаю, создание Государственной инспекции связи, не было спонтанным, перемены, происходившие в Республике в 90-ые годы, принятие Республикой Узбекистан статуса независимости требовали изменений во всех сферах народного хозяйства, а также в сфере связи. В целях улучшения качества осуществляемых работ и предоставляемых услуг в сфере связи, выявлении допустимых нарушений и их устранения, а также в целях защиты прав потребителей возникла необходимость в создании контролирующего органа.

В 1990 году Министерством связи УзССР было согласовано со всеми заинтересованными министерствами и внесено в Кабинет Министров Узбекской ССР предложение, на основании которого было принято постановление о создании ГИС.

Начало деятельности было сопряжено с решением разных организационных вопросов, были и трудности.

Во первых, подбор кадров, в те годы в структуру ГИС входило всего два производственных отдела: почтовый отдел и отдел электросвязи, а также областные подразделения ГИС. Штат сотрудников пополнялся постепенно. Приглашали людей с предприятий, но не всем нравилась специфика работы инспектора, вследствие чего, была текучесть кадров, что естественно влияло на качество осуществляемого контроля. Первые годы в штате ГИС не было инженерных должностей, штат состоял из начальников отделов и областных ГИС, а

также старших инспекторов и инспекторов. Практически всё рабочее время весь коллектив был на проверках, т.к. основная работа состояла в проведении проверок, каждому инспектору было предписано не менее двух проверок в месяц. В отделе сотрудники приходили, чтобы отчитаться в проведенных проверках, составить отчет о проделанной работе. В отделе также проводилась аналитическая работа по актам, представляемым из областей, подготавливались отчеты в вышестоящие органы и организации.

Во вторых, необходимо было создать фонд нормативных документов отрасли и разработать локальные нормативные документы, необходимые в проведении контроля. По мере необходимости силами сотрудников ГИС разрабатывались локальные нормативные документы.

В третьих, определить порядок проведения контроля, подкрепленный законодательством, определить перечень контролируемых вопросов, охватывающих всестороннюю деятельность в сфере связи, оформления результатов проверок. Сначала результаты проверок излагали в справках, потом стали писать акты, т.к. они имели большую юридическую силу, в акте обязательно должна была быть — констатирующая часть, выводы и предложения. Предписания в то время не выдавали. Количество проводимых проверок превышал семьсот проверок за год. Ограничений в количестве проводимых проверок не было, и доступ сотрудников инспекции на предприятия, в соответствии с Уставом был

неограничен, что позволяло увеличивать опыт проведения контроля, ведь цель была улучшение качества предоставляемых услуг и выполняемых работ в сфере связи, а также использование опыта при разработке нормативных документов.

В четвертых в целях улучшения качества, проводимых проверок, было необходимо получение дополнительных знаний, т.к. наличие опыта, полученного сотрудниками на производстве, было недостаточно для осуществления задач контроля. Руководством ГИС принимались меры по обучению сотрудников и получению дополнительных знаний.

В пятых необходимо было учиться проводить контроль, опыт приобретался в ходе самого контроля. Здесь было много барьеров неуверенность, некоммуникабельность, недостаток знаний, отсутствие навыка применения при проверке имеющихся знаний и т.д.

Требования к контролирующему органу постоянно повышались, что влияло на расширение круга рассматриваемых вопросов при проведении проверок.

Нало признать, что результат контроля не сразу повлияли на качество предоставляемых услуг и выполняемых работ. О чем свидетельствовали систематически допускаемые предприятиями нарушения, выявляемые при последующих проверках. Имело место непонимание со стороны проверяемых предприятий. Предъявляемые требования со стороны ГИС не всегда воспринимались проверяемыми предприятиями адекватно. Однако настойчивость и терпение сотрудников умение быть убедительными, умение подтвердить свои требования законодательными и нормативными актами приводили к положительным результатам.

Из технического оснащения в ГИС были только пишущие машинки, на которых приходилось не только печатать письма и акты, но и размножать необходимые документы для рассылки областным подразделениям. Первый компьютер был приобретен только в 1995 году.

Потребовался ни один год для совершенствования деятельности ГИС и выработки системы контроля. В первые годы деятельности в целях повышения качества контроля и материального стимулирования к сотрудникам ГИС применялись так называемые «экономические рычаги», которые были разработаны руководителем ГИС для локального применения и влияли на уровень премирования сотрудников.

Вместе с тем требовались, более эффективные меры, применяемые к должностным лицам, предприятия которых систематически допускали нарушения. В связи, с чем, в 1995 году были и разработаны и зарегистрированы Министерством юстиции документы отрасли о материальной ответственности предприятий.

С введением лицензирования отдельных видов деятельности в сфере связи 1996 году, сертификации технических средств, возникла необходимость в организации отдела по лицензированию, который вел базу данных о лицензиатах и полученных ими лицензий.

Осуществление контроля за выполнением условий лицензий, потребовало, получения дополнительных знаний, изучения законодательства по лицензированию, сертификации, метрологии стандартизации.

Т.БРЫЗГАЛОВА,
Ведущий инженер отдела
нормативных документов, работ
по жалобам и санкций ГИС

НОВОСТИ В СФЕРЕ ИКТ

LG НА РЫНКЕ ИНТЕРНЕТ-ТВ



Компания LG готовится выйти на рынок, где уже конкурируют Apple TV и Google TV. На выставке потребительской электроники в Лас-Вегасе CES 2011 в январе компания представит телеприставку Smart TV Upgrader — прямого конкурента Apple TV, сообщает Korea IT Times.

Подключив приставку к телевизору, пользователь получит доступ не только к обычным телеканалам, но и к видео в Сети, а также приложениям, написанным специально для системы Smart TV.

Кроме возможности просматривать бесплатный интернет-контент, пользователи Smart TV Upgrader смогут оформить платную подписку на сериалы, телепрограммы и прочий платный контент из Сети.

«БЮДЖЕТНЫЙ» МЕТОД ПРОСЛУШКИ СОТОВЫХ

Специалисты по безопасности Сильвен Муно и Карстен Нол продемонстрировали на конгрессе немецкого хакерского сообщества Chaos Computer Club в Берлине новый способ перехвата и расшифровки сигнала GSM, на который потребуется совсем мало времени и средств.

По словам экспертов, данные, «пойманные» при помощи четырех телефонов Motorola стоимостью 15 долларов с измененной прошивкой, нужно ввести в специальную программу, которая распространяется бесплатно.

Софту потребуется 2-ух терабайтная «радужная» таблица и чуть более 20 секунд для того, чтобы распознать код шифрования, после чего взломщик может смело прослушивать разговоры и читать чужие SMS-сообщения.


«Протокол GSM небезопасен. И чем больше узнаешь о нем, тем более небезопасным он выглядит», — говорит Нол. — Это почти как компьютеры в Сети в 90-ых, когда люди ничего не понимали в компьютерной безопасности. GSM это 20-летняя инфраструктура с массой приватных данных и отнюдь не массой безопасности».

В КИТАЕ 450 МЛН. ИНТЕРНЕТ-ПОЛЬЗОВАТЕЛЕЙ

В Китае количество интернет-пользователей превысило отметку в 450 млн. человек, что составляет чуть более 30% населения страны. В КНР говорят, что сейчас в их стране уже самое большое число интернет-пользователей и новый рекорд лишь упрочивает положение в мировом рейтинге.

Вонг Чен, представитель Информационного управления при Госсовете КНР, говорит, что цифра в 450 млн. пользователей — это данные по состоянию на конец ноября 2010 года, причем за год число пользователей в интернете выросло на 20,3%. Общее число жителей в КНР превышает 1,3 млрд. человек.

ОБЪЕМ ПРОДАЖ ПОЛУПРОВОДНИКОВ ПРЕВЫСИЛ 22 МЛРД. ДОЛЛАРОВ



Продажи полупроводников в 2010 году оказались значительно лучше прогнозов и 2009 года, когда отрасль показала рекордное проседание финансовых показателей. В ноябре 2010 года мировые продажи полупроводников превысили 26 млрд. долларов, говорится в последнем опубликованном отчете Semiconductor Industry Association (SIA).

«Несмотря на продолжающуюся макроэкономическую нестабильность, индустрия полупроводников показывает стабильный рост и в 2010 году показатель продаж однозначно превышает итоги 2009 года. Столь значительного годового роста мы не отмечали на протяжении последних 10 лет», — говорит президент SIA Брайен Туи.

Хабар +tv

ОБЪЕКТИВ

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 "Наш айтиш", Т/с.
8.00 "Тақдирнома"
8.45 - 9.45 "Миньянинг" дастури.
"Болалар сайераси".
9.45 Мулҳузгилм.
10.30 "Ватан манзиллари".
10.55 "Сизнинг алоқингизни".
11.00 "Абборот".
11.15 "Комиссар Рекс", Т/с.
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
12.55 "Иқлим".
13.00 Миллий кино: "Елгор".
14.00 "Абборот".
14.20 "Ватанпарвар".
15.00 "Иқлим".
15.05 "Одам ва одам" дастури: "Ер сайераси".

15.55 "Хўшлар ҳаёти".
16.10 "Никот дарё оралиғида".
16.30 Миллий сериал: "Сержантлар".
17.00 "Абборот".
17.15 "Истиқлол фарзандлари".
"Болалар сайераси".
17.35 "Эртаклар - ахлоқийка етказар".
17.55 "Сизнинг алоқингизни".
18.00 "Олтин мерос".
18.10 "Иқлим".
18.15 "Сарой жавонони", Т/с.
18.25 "Менинг оилам".
19.30 "ТВ - шифокор".
19.25, 20.00, 20.55 Ёшларлар.
19.30 "Абборот", /рус/.
20.10 Миллий сериал: "Туташ тақдирлар".
20.45 "Ватанимиз куйлабим".
21.00 "Абборот".
21.40 "Мен ешганим".
21.55 "Матонга", Т/с.
22.40 "Иқлим".
22.45 "Комиссар Рекс", Т/с.
23.30 - 23.35 "Оғуш".
23.35 Кўрсатувлар дастури.
23.40 "Истиқлол фарзандлари".
01.00 "Юртим ватан" дастури:
"Ўзгирим ҳаёти".
01.35 "Ватан манзиллари".
1.00 "Абборот", /рус/.
1.35 - 2.35 "Миньянинг" дастури.
2.35 "Менинг оилам".
3.00 "Олтин мерос".
3.10 "Ассалом, Ўзбекистон!"
4.00 "Абборот".
4.35 Миллий сериал: "Туташ тақдирлар".
5.10 "Иқлим".
5.15 "Куларнинг бирлиги".
5.25 "Никот дарё оралиғида".
5.45 - 5.55 "Оғуш".



5.55 "Дастурнинг оқиши".
6.00 "Ёшлар нонушаси".
6.30 "Рўзгор мактаби".
7.00 "Мулҳузгилм".
7.50 "Эсимизда", Т/с.
9.00 "Ватан побоялари".
9.10 "Оболабонинг саргушталари".
9.20 "Болалар табассуми".
9.30 "Китоб-ортоб".
9.50 "Харобилар".
10.00 "Дар ҳафта ичида".
10.30 "Учқарлар дари", Т/с.
11.50 "Тасвир ва тасвирот".
12.10 "Сарой шамол", Т/с.
13.00 "Дар".
13.10 "Анжидон ёшлари".
13.30 "Кўруш", Т/с.
14.20 "Арсава ва ҳақиқат".
15.00 "Жаҳон мусикаси".

ДУШАНБА — 10 ЯНВАР

16.00 "Дар".
16.10 "Муҳажират дунё".
17.00 "Кўш сонатлар", Т/с.
18.10 "Ёшлар парвози".
18.30 "Автопатруль".
18.50 "UzEX".
19.00 "Дар".
19.30 "Кўруш", Т/с.
20.20 "Ёшлар навқадри".
20.40 "Дар малумат".
21.00 "Ватан побоялари".
21.10 "Сарой шамол", Т/с.
22.00 "Дар".
22.30 "Миллат хазинаси", Б/ф.
01.30 "Хайт-мамо", Т/с.
1.20 "Шарқ гавари".
2.00-5.55 ПРОФИЛАКТИКА.

ЭФФЕКТИВ

7.25 Кўрсатувлар тартиби.
7.30 "Салом, Тошкент".
8.30 "Интеллектуал аўкцион".
8.40 "Карвонсарой".
8.50 Мулҳузгилм: "Айиқча Гамма", 47 қрим.
9.05 "Елтиз куй", Т/с 82 қрим.
9.35 "Шум бол", Б/ф.
11.05 "Муҳожират учун маъво".
11.30 "Чулпаннинг парвози", Б/ф.
13.00 "Салом, Тошкент".
14.00 "Дунё" теледастури.
15.00 "Поитах".
15.15 "Елтиз куй", Т/с 83 қрим.
15.40 "Карвонсарой".
15.50 "Қизил гўш", М/ф.
16.35 "Саргушталар орали".
17.00 "Қуёто командансининг сув ости саргушталари", Х/ф. 58 қрим.
17.25 Миллий сериал: "Қалдирғочлар ила қитлаш", 16 қрим.
18.00 "Поитах".
18.30 "Саломат бўлинг".
18.40 "Эртаник оғлағи".
18.55 "Менинг шайрим".
19.25 "Авиас".
19.30 Тошкент тароналари.
19.45 "Телекурёр-маркет".
20.00 "Поитах".
20.25 Бизнес "Поитах".
20.30 "Никот матонати", Т/с 152 қрим.
21.00 "Истеълол".
21.15 Тошкент тароналари.
21.30 "Телекурёр-маркет".
21.40 "Интервью".
21.50 "Узларим".
22.15 "Хайт-мамо".
22.18 Эко- "Поитах", /рус/.
22.30 "Поитах", /рус/.
22.55 "Кино SMS со звездами".
23.00 "Тоспока горничи", Х/ф.
01.40 Кўрсатувлар тартиби.
01.45 Ночный сеанс: "Мой домашний кинозал", Х/ф.
2.40 "Иқлим".
2.45 "Узларим".
2.50 "Саломат бўлинг".
3.05 "Қуёто командансининг сув ости саргушталари", Х/ф. 58 қрим.
3.30 "Тунги киносеанс: "Шум бол", Б/ф.

SPORT

6.00 "Хайри тоғи".
6.10 "Саломат бўлинг".
6.30 Кабарлар.
7.00 "Тренеримиза весте".
7.25 Болалар майдончаси.
Тинги гимнастика.

"Сюртландия", Мулҳузгилм.
8.00 ХАБАРЛАР.
8.30 Футбол. Мундиал - 2010.
Аргентина - Мексика.
10.10 АНОНС.
10.15 "Ринг ҳирозлари".
11.15 АНОНС.
11.20 Футбол. Осие чемпионати.
Япония - Иордания.
13.00 Рақамлар, натоқлар, рефтинлар.
13.05 Болалар майдончаси.
"Сюртландия", Мулҳузгилм.
13.35 Футбол. Осие чемпионати.
Саудия Арабистони - Сурия.
15.15 АНОНС.
15.20 Рақим. "Дакар - 2011".
15.35 Бокс. Республика биринчилиги.
17.00 Болалар майдончаси.
"Сюртландия", Мулҳузгилм.
17.30 "Баркамат авлод".
17.45 ХАБАРЛАР.
18.00 Саломатлик хазинаси.
18.10 Футбол. Осие чемпионати.
Канада - Австралия. Турнинг - турти олин кўрсатилди.
20.20 Футбол бўйича Осие чемпионати қуралини.
20.45 ХАБАРЛАР.
21.00 Саломатлик хазинаси.
21.10 Футбол. Осие чемпионати.
Жанубий Корея - Бахрайн.
Турнинг - турти олин кўрсатилди.
23.15 Сешабба жугури аниони.
23.25 Ўзбек жанг санати.
Ўзбекистон чемпионати.
01.00 Битва. Жаҳон кубоғи.
1.00 Тунги Хабарлар.
3.00 Тунги Хабарлар.
3.15 Бокс. Республика биринчилиги.
4.15 Футбол. Мундиал - 2010.
Аргентина - Мексика.

БИРИНЧИ

05.00, 09.00, 11.00 Новости
05.10 "Домострой. Прелюдия терения".
06.00 Х/ф. "Котенок".
07.25 "Служу Отчизне".
07.50 Мулҳузгилм "Если бы я был мом палой".
08.20 "Зорюе".
09.10 "Непутевые заметки".
09.25 "Пока все дома".
10.15 Физден.
11.10 "Все азган".
12.05 Нонна Гришася. "Я из Одессы, зарасте".
13.05 "Побег".
13.45 Иосиф Кобзон, Тамара Гвердцетели, Лев Лещенко, Владимир Винокур в юбилейном концерте Леоны Оганезова.
17.35 "КВН-2010". Открытый кубок СНГ.
20.00 "Время".
20.15 Х/ф. "Новогодний детектив".
21.55 Х/ф. "Деловая азгулда".
23.50 Триллер "Пропавшие".

РОССИЯ 1

05.38 Детектив "Возвращение Святого Луки".
07.30 "Смехопанорама".
08.00 "Сам себе режиссер".
08.50 "Утренняя почта".
09.30 "Сто к одному".
10.20 "Местное время. Вести - Москва". Недела в городе.
11.00, 14.00, 20.00 "Вести".

11.10 "Халол".
12.10, 14.30 Т/с "Доарка из Хаджетовки. Вызов судьбе".
14.20 "Местное время. Вести - Москва".
18.05 "Имилковский парк".
20.20 Юбилейный вечер Раймонда Паулса на "Новой волне".
22.55 Х/ф "Что скрывает любовь".

НТВ

07.10 Т/с "Вить Тарангину".
08.00 "Лучший город Земли".
10.00, 12.00, 15.00, 18.00, 21.00 "Сегодни".
10.30 Комедия "Волочка".
12.30 "Житут же люди".
12.55 Х/ф "Жизнь-был дед".
15.20, 18.20, 21.30 "Самые громкие Русские сенсации".

РОССИЯ К

07.00 Канал "Евроноэс".
10.00 "Новости культуры".
10.25 М/ф "Шелкунчик".
11.45 М/ф "Парасолька в парк".
"Вперые на арене". "Лошарики".
12.20 "Обыкновенный концерт с Эдуардом Эфировым".
12.50 Х/ф "Левушка с характером".
14.10 Д/ф "Баллада о Тарбозавре".
15.00 Концерт.
15.50 Л. Чуркина. Творческий вечер в Доме актера.
16.30 "Триумф оперетты".
17.20 Спектакль "Привет от Шеруты".
18.55 Д/ф "Леоны Утесов. Есть у неси тайна...".
19.45 Х/ф "Веселые ребята".
21.20 Концерт "Гранд-оркестр Поли Морья".
22.05 Х/ф "Ребекка".

СТС

08.00 Х/ф "Бесконечное Рождество".
09.45 М/ф.
15.25 Х/ф "Звездная пыль".
17.45 20.30 "6 кадров".
19.00 Украинский кьвирл.
21.30 Х/ф "Трудный ребенок".

ТВ3

08.00 Х/ф "Возвращение в затерянный мир".
10.00 М/ф "Бывшая".
11.00 Х/ф "Никто не зли. Бэтмен и мистер Фриг".
12.30 Х/ф "Операция "Праведник".
14.30 "Домашний ресторан".
15.30 "Тайны великих магов".
16.30 "Далеко и еще дальше" с М. Козловым.
17.30 Х/ф "Чародей".
19.00 "Тайны великих магов".
20.00 Х/ф "Путешествие к центру Земли".
01.00 Х/ф "Результатива в Малибу".
03.00 Т/с "Звездные врата".
Продактиа.

ТНТ

06.00 М/с.
09.05 Т/с "V-визитер".
10.00 "Битва экстрасенсов".
17.00 Боевик "Бойцл З".
19.30 "Комеди Клуб. Лучшее".
20.00 Боевик "Битва З. Троица".
22.30 "Комеди Клуб".
23.30 "Дом 2".



Душанба

07.00, 09.00, 11.05, 13.40
17.10, 18.00, 19.30, 02.15 Ўзбек навалари
08.10 Сернал "Муҳаббат асираси"
09.40 Сернал "Заптра наступит сегодня"
10.30 Top-10
11.30 "Лига выданныхсях дженгельменов" Х/ф
14.30 Prime time (рус)
14.40 Сернал "Муҳаббат асираси"
15.30 Мультифильм
17.30 "Премьера"
18.40 Сернал "Муҳаббат асираси"
21.00 Сернал "ЗАВТРА НАСТУПИТ СЕГОДНЯ"
22.00 "ПРИВЫЧКА ЖЕНИТЬСЯ" Х/ф
00.10 Миксер
01.30 Сернал "ПРИТВОРЩИК"
03.00-05.00 "ОНГ БАК" Х/ф

Сешанба

07.00, 07.40, 09.00, 10.30
13.40, 17.10, 18.10, 19.30 02.15 Ўзбек навалари
07.30 Prime time (рус)
08.10 Сернал "Муҳаббат асираси"
09.40 Сернал "Заптра наступит сегодня"
11.30 "Привычка жениться" Х/ф
14.40 Сернал "Муҳаббат асираси"
15.30 Мультифильм
17.30 "Премьера"
18.00 Prime time (рус)
18.40 Сернал "Муҳаббат асираси"
21.00 Сернал "ЗАВТРА НАСТУПИТ СЕГОДНЯ"

Чоршанба

22.00 "НАЧАЛО" Х/ф
00.40 Миксер
01.30 Сернал "ПРИТВОРЩИК"
03.00-05.00 "ОНГ БАК-2" Х/ф

Чоршанба

07.00, 09.00, 10.30, 14.10
17.10, 18.00, 19.30, 20.30 02.15 Ўзбек навалари
08.10 Сернал "Муҳаббат асираси"
09.40 Сернал "Заптра наступит сегодня"
11.30 "Начало" Х/ф
14.30 Prime time (рус)
14.40 Сернал "Муҳаббат асираси"
15.30 Мультифильм
17.30 "Кинокуръур"
18.40 Сернал "Муҳаббат асираси"
20.00 M-files
21.00 Сернал "ЗАВТРА НАСТУПИТ СЕГОДНЯ"
22.00 "КАК Я ПРОВЕЛ ЭТИМ ЛЕТОМ" Х/ф
00.20 Миксер
01.30 Сернал "ПРИТВОРЩИК"
03.00-05.00 "ШПИОНСКИЕ ИГРЫ" Х/ф

Пайшанба

07.00, 07.40, 09.00, 10.30
13.50, 18.10, 02.30 Ўзбек навалари
07.30 Prime time (рус)
08.10 Сернал "Муҳаббат асираси"
09.40 Сернал "Заптра наступит сегодня"
11.30 "Как провел этим летом" худ. фильм
14.40 Сернал "Муҳаббат асираси"

Жума

15.30 Мультифильм
17.00 "Janat Makon"
18.00 Prime time (рус)
18.40 Сернал "Муҳаббат асираси"
19.00 "Журф бўлсин" байрам дастури (такрор)
21.00 Сернал "ЗАВТРА НАСТУПИТ СЕГОДНЯ"
8.50 Бизнес сериал: 'Айиққа Гамма'.
9.00 'Кун'.
8.55 'Елчи кун'. Т/с 85 ксм.
9.15 'Интервью'.
9.25 'Уйларим'.
9.30 'Поитакс'.
9.40 Бизнес сериал: 'Поитакс'.
9.45 Миллий сериал: 'Қалдиғочлар яна қайтди'. 18 ксм.
10.15 Хор жамоисининг концерти.
10.30 'Поитакс' /рус/.
10.40 'Скарлет'. Т/с.
11.05 'Репортаж'.
11.15 'Элчи'. Б/ф.
13.00 'Салом, Тошкент'.
14.00 'Дунё', теледустри.
15.00 'Поитакс'.
15.15 'Елчи кун'. Т/с 86 ксм.
15.40 'Карвонсарой'.
15.50 Мультисериал: 'Делек ва Болек'.
16.10 Эко-'Поитакс'.
16.20 'Қусто командисининг сув ости саргузаштлари'. Х/ф. 61 ксм.
16.45 'FM-сабаг'.
17.25 Миллий сериал: 'Қалдиғочлар яна қайтди'. 19 ксм.
18.00 'Поитакс'.
18.25 'Менинг шахрим'.
18.45 'Дурақона'.
18.55 'Интеллектуал аукцион'.
19.05 'Элчи'.
19.25 'Анонс'.
19.30 Тошкент тароналари.
19.45 'Телекўрер-маркет'.
20.00 'Поитакс'.
20.25 Бизнес 'Поитакс'.
20.30 'Инсон матонаги'. Т/с.
21.00 Бизнес футбол.
21.10 Тошкент тароналари.
21.25 'Телекўрер-маркет'.
21.35 'Уйларим'.
21.40 'Интервью'.
21.50 'Иборат'.
22.15 Эко-'Поитакс' /рус/.
22.30 'Поитакс' /рус/.
22.55 'Қино СМБ со аёвдани'.
23.00 'Рўзор ушланган тун'. Б/ф.
00.15 Кўрсатувлар тартиби.
00.20 Ноқий санас: 'Тариф ноговогани'. Х/ф.
1.30 Планета земди: 'От полска до полска'.
2.20 Илдам.
2.25 'Уйларим'.
2.35 'Иборат'.
2.55 'Қусто командисининг сув ости саргузаштлари'. Х/ф. 61 ксм.

SPORT

6.00 'Хайри тонг'.
6.10 'Салом бўлиш'.
6.30 'Хабарлар'.
6.45 'Спорт - менинг ҳаёти'.
7.10 'Жақон спорт қозулари'.
7.25 Болалар майдончаси: Тоғти пивақтика.
'Спортландия'. Мультифильм.
8.00 ХАБАРЛАР.
8.20 Футбол: Мундиал-2010. Парагвай - Япония.

10.05 Баскетбол. NBA чемпионати.
11.20 Футбол. Осие чемпионати. Ўзбекистон - Қувайт.
13.00 Рақамлар, лотикалар, реинглар.
13.05 Болалар майдончаси: 'Спортландия'. Мультифильм.
13.35 Футбол. Осие чемпионати. Хитой - Қатар.
15.15 'Сафошлар'.
15.30 Рақил 'Длар - 2011'.
15.50 Чағни пойсаз. Жаҳон куботи.
16.25 'Сығайт ва спорт'.
16.30 Болалар майдончаси: 'Спортландия'.
17.45 Футбол бўйича Осие чемпионати кўнадити.
17.45 ХАБАРЛАР.
18.00 'Сафошлар'.
18.05 Саломатлик хазинаси.
18.10 Футбол. Осие чемпионати. Иордания - Саудни Арабистони. Туридан - түри олиб кўрсатилди.
20.15 Ватан ҳимоичилари кўнига: 'Икдилор'.
20.45 ХАБАРЛАР.
21.00 'Сафошлар'.
21.05 Саломатлик хазинаси.
21.10 Футбол. Осие чемпионати. Сурия - Япония. Туридан - түри олиб кўрсатилди.
21.15 Футбол. Осие чемпионати. Япония - Сурия. Туридан - түри олиб кўрсатилди.
21.25 'Профит'.
00.15 'Сафошлар'.
00.30 XVI Осие ўйинлари.
0.00 Тунги Хабарлар.
1.15 ИнтерФутбол.
3.00 Тунги Хабарлар.
3.15 XVI Осие ўйинлари.
4.15 Футбол. Мундиал-2010. Парагвай - Япония.

1 БИРИНЧИ

04.00, 08.10 Телеканал 'Доброе утро'
08.00, 11.00, 14.00 Новости
08.30 Контрольная закупка
09.00 'Жить здорово!'
10.00 'ЖКХ'.
11.20 Молний приговор
12.20 'Детективы'.
13.00 Другие новости
13.25 Понять. Простить.
14.35, 02.50 'Хочу знать' с Михаилом Шварцманом
15.03 Т/с 'Обручальное кольцо'
15.55 Федеральный суля
17.00 Вечерние новости
17.15 Т/с 'Сала'.
18.00, 03.10 'Давай поженимся'.
18.50 'Пусть говорят'.
20.00 'Время'.
20.30 Т/с 'Доктор Тырса'.
21.20 Старый Новый год на Первом.
'Большая разница'

РОССИЯ 1

05.00 'Утро России'.
09.05 'Первая леди советского кино. Тамара Макарова'.
10.00 'О самом главном'.
11.00, 14.00, 16.00, 20.00 'Вести'.
13.14, 30.16, 30 'Местное время. Вести - Москва'.
11.50 Т/с 'Маршрут милосердия'.
12.50 'Настоящая жизнь'.
13.45 'Вести. Дежурная часть'.
14.50 'Кулачки и партнеры'.
16.50 Т/с 'Слово женщине'.
17.55 Т/с 'Ефросиния'.
18.55 Т/с 'Институт благородных девиц'.
20.30 'Местное время. Вести'.
20.50 'Спокойной ночи, малыши!'.
21.00 Новогодний голубой огонек - 2011.

НТВ

06.55 'НТВ утром'.
10.30 Т/с 'Гастелиста'.
11.30, 17.30, 20.30 'Чрезвычайное происшествие. Обзор'.
12.00, 15.00, 18.00, 21.00 'Сегодня'.
12.30 Житву же любовь'.
12.55 'До суда'.
14.00 'Суд присяжных'.
15.30 Т/с 'Менгетовская война'.
18.30 Т/с 'Эра стрелы'.

21.30 Т/с 'Паутина'.
23.30 Боевик 'Зерофоб'.

РОССИЯ K

06.30 Канал 'Евроноос'.
10.00, 15.30, 19.30, 23.30 'Новости культуры'.
10.15 'Главная роль'.
10.40 Х/ф 'Девят Коптерфильда'.
12.30 Д/ф 'Тайны Эгейского Апокалипсиса'.
13.15 Д/ф 'Вильгельм Рейнтген'.
13.25 Третьяковка - дар бесценный! 'Дом перекрестков'.
13.55 Х/ф 'Морской волк'.
15.00 Д/ф 'Советский сказ Павла Бажова'.
15.40 М/с 'Вертопорт'.
15.50 Х/ф 'Земляника под снегом'.
16.10 Т/с 'Русские налеты'.
16.10 Т/с 'Волшебное дерево'.
16.40 Д/с 'Моместе Сурикат'.
17.05 'Те, с которыми я...'.
17.35 'Три века музыки'.
18.35 Д/ф 'Рязьдан гайны пирамиды Хеопса'.
19.45 'Главная роль'.
20.05 'Смеюноствания'.
20.15 Новогодний концерт Венского филармонического оркестра 2011. Трансляция из Вены.
23.00 'Те, с которыми я...'.
23.00 Х/ф 'Двойная неверность'.

СТС

08.00, 15.30 М/с
09.30 Т/с 'Папины дочки'.
10.00, 20.30, 21.00 'Дашей молодежь'.
11.00, 14.20 '6 кадров'.
11.30, 22.30 Т/с 'Маршанга'.
12.30 Х/ф 'Любовь-морковь 2'.
14.30 Снимите это немедленно!
17.30 Т/с 'Папины дочки'.
19.30 Галилео.
21.30 Т/с 'Воронины'.
23.30 Х/ф 'Ирония любви'.

ТВ3

08.00 М/ф 'Ботмен будущего'.
08.45 Т/с 'Альф', 10 с.
09.00 Д/ф 'Третья планета от Солнца'.
09.40 'Как это сделано'.
10.00 'Разрушители мифов'.
11.00 Д/ф 'Современные чудеса'.
12.00 Т/с 'Медум'.
13.00 Т/с 'Витюговя лестница'.
14.00 Д/ф 'Апокалипсис. Стихийные бедствия'.
15.00 Д/ф 'Городские легенды. Москва. Усадьба Коломенское'.
15.30 Х/ф 'Кони царя Соломона'.
17.30 'Разрушители мифов'.
18.30 'Как это сделано'.
19.00 Т/с 'Черная метка'.
20.00 Д/ф 'Фильмачки на мифоло'.
21.00 Т/с 'Медум'.
22.00 Т/с 'Витюговя лестница'.
23.00 Д/ф 'Апокалипсис. Кислородное голодание'.

ТНТ

06.00 'Необязанно, но факт'.
'Бессоница'.
07.00 11.45 М/с.
08.30 Т/с 'Ч-винитера'.
09.30 18.00 20.00 Т/с 'Универ'.
10.30 Т/с 'Женская лига: парни, деньги и любовь'.
11.00, 19.30 Т/с 'Счастливы вместе'.
14.00 Т/с 'Женская лига'.
16.20 'Экс Вентура: Розыск потерянных животных'.
18.30 'Реальные пацаны'.
19.00 Т/с 'Женская лига: парни, деньги и любовь'.
20.30 'Реальные пацаны'.
21.00 'Экс Вентура: Когда зовут призыв'.
23.00 'Дом 2'.

Янги йилда ахборот технологиялари оламида қандай янгиликлар амалга ошади, йилнинг муҳим воқеликлари нималардан иборат бўлиши мумкин? Соҳанинг машҳур IDC компанияси таҳлилчилари бу борада якуний тўхтамга келиб бўлиши. Уларнинг фикрича, 2011 йили ва ундан кейинги йиллардаги бизнес фаолиятда ахборот технологияларининг булут сервислари (cloud services) — интернет орқали кўрсатиладиган виртуал хизматлар, мобил ечимлар ҳамда ижтимоий тармоқлар янада муҳим аҳамият касб этади.

Муҳими, ахборот технологиялари соноатидаги бу ўзгаришлар натижасида жаҳон бўйича IT-сарф-харажатлар ўсиши кутиляпти. Хусусан, 2011 йили бу кўрсаткич 1,6 триллион

АҚШ долларига етиши мумкин, агар 2010 йилга солиштирилса ўсиш 5,7 фоизни ташкил этишига амин бўламиз.

“Янги йилнинг муҳим бир жиҳати юқоридаги технологияларнинг бир-бири билан тўлиқ интеграциялашувида намоён бўлади. Масалан, мобил ечимлар интернет виртуал сервислари ва ижтимоий тармоқлар билан, улар эса, ўз навбатида, булут сервислари ва реал вақтдаги таҳлил хизматлари билан уйғунлашади. Бир сўз билан айтганда, бугунги кунда мазкур технологияларни алоҳида йўналишлар эмас, балки ягона ахборот технологиялари бозори сифатида баҳолаш максалга мувофиқдир”, — дейишмоқда IDC мутахассислари.

2011 йил: БИЗНИ НИМАЛАР КУТМОҚДА?

Миш-мишлар: AOL + Yahoo = ?

Эски шухратини тиклаш ва интернет-контент бозори етакчиларидан бирига айланишни мақсад қилган Американинг AOL компанияси ўз бизнесининг бир қисmini Yahoo интернет-гиганти билан бирлаштиришни режалаштиряпти. Бироқ бунинг учун компания мазкур асосий бўлинмасидан воз кечишига тўғри келади.

Фаолиятини икки бўлакка тақсимлаш ғояси AOL учун янгилик эмас. Бир бўлинмани Yahoo билан бирлаштириш, яна бошқа йўналишни EarthLink ёки United Onlineга сотиш ғояси 2008-2009 йилларда ҳам мавжуд эди. Шунга қарамадан, ҳамон AOL ўзининг асосий бизнеси — dial ордан воз кечишга жазм эта олгани йўқ (кенг полосали уланиш АҚШда қанчалик оммалашгани эътиборга олинса, чиндан ҳам ғала-ти қарор).


Компания оладиган 2,4 миллиард доллар даромадининг 1 миллиарди, ҳисоб-китобларга кўра, интернетга телефон орқали уланишни таъминловчи бўлинма томонидан тушириляпти. Унинг фойдаланувчилари сони 4 миллиондан камроқ ва бу кўрсаткич янада пасайиши тайин. Биргина ўтган йилнинг дастлабки тўққиз ойида унинг даромади тўртдан бир қисмга камайди.

Таҳлилчилар Yahoo билан бирлашишдан аввал dial up бизнесидан воз кечиш афзал, деган фикрлар, телефон орқали тармоққа уланиш имконияти интернет-портални қизиқтириши эҳтимолдан анча йироқ. Компаниянинг реклама фаолияти Yahooни жалб этиши мумкин. Компаниялар бир-бирларини тўлдиришади: Yahoo фойдаланувчиларни спорт ва иқтисодиёт янгиликлари билан жалб этса, AOL шаҳар хариталари ва кўнгилчор сервисларни тақдим этади.

Анъаналар:

Wintel ўрнига Quadroid

Wintel платформаси (Windows амалиётлар тизими + Intel процессори) қарийб йигирма йилдирки, компютер бозори тақдирини катта ўзгариш ясаб келяпти. Шунга ўхшаш ҳолат энди смартфонлар бозорини ҳам кузатишмоқда. Аниқроқ айтганда, ҳозир Google Android базасидаги смартфонларнинг 77 фоизини Qualcomm процессорлари ўрнатилган бўлиб, мутахассисларнинг фикрича,



бундай қурилмалар кўпайишда давом этади. Дастур ва аппарат тузилмаларининг бу тандемга мутахассислар янги — Quadroid атамасини қўллашмоқда.

Энди ҳамма гап Quadroid платформаси Wintel концепциясини смартфонлар бозорини ҳам татбиқ эта олишида. Quadroidнинг яққаҳокимлиги Acer ва Lenovo сингари смартфон ишлаб чиқарувчиларининг ялпи даромад ҳажмини 8-10 фоизгача камайтириб юбориши мумкин. Баъзи таҳлилчилар эса айрим ишлаб чиқарувчилар бутунлай бозорни тарк этиши мумкинлиги ҳақида ҳам хавотир билдиришган. Умуман олганда, сўнгги пайтларда бир масалада аксарият таҳлилчиларнинг фикрлари яқдил, яъни келгусида смартфонлар бозори 3-5та йирик ишлаб чиқарувчи назорати остига ўтиши мумкин.

Агар воқеалар ривожини шундай давом этса, яқин келажақда смартфонлар бозорини ҳам қисми Apple ва RIM компанияларига тегишли бўлади. Мазкур компаниялар смартфонлар бозорини ўз экотизимларини яратишга улгуриши ва унинг доирасида ўз дастурий платформасини ривожлантириб, шунга мувофиқ аппаратлар чиқаришни ўзлаштириб олиши. Жаҳондаги энг йирик смартфонлар таъминотчиси — Nokia компанияси ҳам ўз Symbian амалиётлар тизими орқали улкан даромад учун мустаҳкам замин тайёрлай олди. Платформа бозорда етакчилик қилишига қарамадан, Android-смартфонлар ишлаб чиқарувчилар сони камайиши кутилмоқда.

Кадрлар снётати: яна Стив Жобс

Нуфузли MarketWatch нашри Apple раҳбари Стив Жобснинг ўн йилликнинг энг яхши ижрочи директори сифатида эътироф этди. Дарҳақиқат, у инқироз ёқасида турган компанияни қисқа вақтда дунёдаги энг йирик корпорациялар сафига қўша олди. MarketWatchда келтирилган маълумотга биноан, 10 йил илгари Appleга 1000 доллар сармоя қўйган акциядорлар ўз капиталларини 43 бараварга ошириб олишди. Таҳлилчилар Жобснинг “Корпоратив Американинг рок-юлдузи” деб шарафлаб, Томас Эдисон ва Александр Белл каби соҳа асосчиларига тенглаштиришмоқда.

Компаниянинг iPhone, iPod ва iTunes сингари маҳсулотлари соҳадаги ҳақиқий янгилик сифатида кутиб олинди.

Интернет-бизнес: омад юз ўгирган Google ва онлайн-реклама оқими

Интернет тарихидаги энг йирик савдолардан бири амалга ошмай қолди. Googlening Америкадаги жамоавий харидлар сервисини — Grouponни сотиб олиш ҳақидаги 6 миллиардлик таклифини сервис эгалари ерда қолдиришди. Ҳозирча иккала томон ҳам воқеага муносабат билдиришгани йўқ.

Groupon дўконлар, ресторанлар ва бошқа хизмат кўрсатиш муассасалари билан мижозларни жалб

этишни кафолатлаш эвазига ўз фойдаланувчилари учун имтиёзлар ҳақида шартнома тузиб ишлайди. Имтиёзни қўлга киритиш учун Groupon сайтидан купон сотиб олиш ва уни қозғанда чоп этиб, дўкон эгасига кўрсатиш лозим. Groupon бу савдолардан ўз улушини олади: ҳозир бу кўрсаткич ойига 50 миллион долларни ташкил этади.

Реклама учун глобал харажатлар 2011 йили 4,6 фоизга ўсиб, 436,297 миллиард долларни ташкил этиши кутиляпти. Бу ҳақда ZenithOptimedia реклама агентлигининг расмий хабарини айтади. 2012-2013 йилларда ўсиш 5,2 фоизни ташкил этиб, 486,898 ва 511,890 миллиард долларга етиши мумкин.

Реклама берувчиларнинг интернетга қизиқиши бу жараёнда катта рол ўйнайди. Умумий реклама бозори ўсишига қараганда, интернет-реклама харажатлари ўсиши уч баравар юқори бўлади. 2009 йили рекламанинг бу тури учун 54,209 миллиард сарфланган бўлса, 2010 йили 61,884 миллиард, 2011 йили эса 70,518 миллиард долларни ташкил этади. 2013 йилга бориб умумий рекламада интернетнинг улуши 42 фоизни ташкил этади. Ўз навбатида, газета ва журналлар учун реклама берилиши тахминан икки фоизгача камайиши мумкин.

Телекоммуникациялар: хамма 4G атрофида


2010 йилнинг 5 декабридан Американинг Verizon оператори LTE технологияси базасидаги энг йирик тўртинчи авлод мобил алоқа тармоғи тижорий эксплуатациясини бошлади. Шимолий Америка аҳолисининг деярли учдан бир қисми юқори тезликдаги интернетдан фойдаланиш имконига эга бўлди — Verizon LTE-тармоғи АҚШнинг 38та йирик шаҳри ва 60та аэропортида ишлаб турибди. Оператор LTE технологиясидан фойдаланиш орқали интернет-уланиш тезлигини ўн бараваргача — интернетда ахборот олишни 5-12 Мбит/с, маълумотни юклашни 2-5 Мбит/сониягача етказишга ваъда берган.

4G-технологиядан фойдаланиш учун Verizon ойига 50 долларлик (5 Гб) ва 80 долларлик (10 Гб) тарифлар тақдим этмоқда, ҳар бир ишлатилган кўшимча гигабайт учун 10 доллардан тўлаш талаб этилади.

WWW.XORASMIYA.UZ

Янги йилда янги сайт

Маълумки, бугунги кунда интернет тармоғи бутун дунёга кенг ёйилиб, дунё иқтисодиёти ва сиёсати таъсир кўрсатадиган даражада аҳамият касб этиб бормоқда. Ўзбекистонда ҳам тури савдо, реклама, таълим ва бошқа мақсадлардаги янги сайтлар интернет тармоғидан жой олмоқда.



Ёшларда миллий ватанпарварлик руҳини шакллантириш, аждоқларимиз томонидан қолдирилган буюк маънавий, маданий меросни авайлаб-асраш, келажақ авлодни маънавий баркамол, руҳан тетик, ақдан соғлом қилиб тарбиялаш, буюк тарихимизни янада чуқурроқ ўрганиш ва кенг халқ оммасига етказиш мақсадида Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиалида янги тарихий сайт яратилди ва www.xorasmiya.uz номи остида 2011 йил бошидан ишга тушди.

Ушбу сайтни яратишга ТАТУ Урганч филиали, “Камолот” ЁИХ Хо-

разм вилояти кенгаши, Урганч давлат университети томонидан қабул қилинган қўшма қарор асос бўлди. ТАТУ Урганч филиали “Камолот” ЁИХ бошланғич ташкилоти етакчилигида яратилган мазкур сайт қадимий Хоразм давлатчилиги масалалари ва унга қарашли бўлган ҳудудлар — Куйи Амударё ҳудуди (Хоразм вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси, Туркменистон Республикасининг шимоли-шарқий ҳудудлари)да 8 минг йилдан буён умргузаронлик қилган аждоқларимизнинг шонли тарихини ёритишга хизмат қилади.


Мазкур сайтда юртимизнинг минг йилликлар оша сақланиб, сайқалланиб келаётган маданияти, урф-одат ва анъаналари тўғрисида маълумотлар (видео, фото ва бошқа шаклдаги) ҳамда уларнинг анимацион кўринишлари, ўтмишда яшаб ўтган буюк мутафаккирларнинг илмий мероси ва шу асосда қилинган илмий ишларнинг электрон вариантлари, Хоразмнинг энг қадимги даврларидан тортиб ҳозирги кунгача бўлган даврларда сиёсий харитада тугган ўрни анимацион дастурлар

ёрдамида кўрсатилади. Дунё илм-фанига сезиларли таъсир кўрсатган алломалар, жаҳон цивилизациясига муносиб ҳисса қўшган саркардалар ҳаётини ва қолдирган молдий, маъданий меросини ўрганиш биз ёшларнинг муқаддас бурчимиздир. Зеро, тарихий хотирасиз келажақ йўқ!

Бекзод АБДИРИМОВ,
ТАТУ Урганч филиали
“Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар” кафедраси ассистенти


САМАРАЛИ ТЕХНОЛОГИЯ

Мижозларни телекоммуникация тармоқларига симсиз улаш таҳлили



Охири йилларда бутун дунёда, шу жумладан, республикамызда ҳам алоқа бозорини либераллаштириш ва монополиядан чиқариш кенг давом этмоқда. Янгидан-янги операторлар давлат ёки хусусий компаниялар билан рақобатлашапти. Рақобат натижасида кўплаб янги хизмат турлари пайдо бўлиб, алоқа сифати яхшиланяпти. Буларга республикамыз бирламчи ва иккиламчи тармоқларнинг рақамлашганлигини мисол килиш мумкин.

АТС — автоматик телефон станцияси; БСC — база станция контроллери; BS — база станцияси; Т — телефон аппарати.




Куйида эса анъанавий мижоз улашиш технологиялари, симсиз улашнинг афзалликлари ва камчиликлари солиштирма таҳлил жадвали келтирилган.

Параметр	Мижоз линияларини эчлаштириш	ОТАЛни қўллаш	Радиоулашиш	Мис кабел
Баҳоиси	паст (150\$)	ўртача (200...600\$)	юқори (500...1000\$)	ўртача (100...300\$)
Ишга тушириш тезлиги	Тез (1 кун)	секин (3..12 ой)	ўртача (2..4 ой)	секин (3..12 ой)
Хизмат кўрсатишга кетадиган харажатлар	паст	паст	паст	юқори
Мослашувчанлиги (ўтказиш оралиғи)	ўртача (2 Мбит/с гача)	юқори (155 Мбит/с гача ва юқори)	паст (одатда 32 кбит/с гача)	паст (аналог узатиш)
Харажатчанлиги	юқори	паст	юқори	паст

Кўриниб турибдики, мижозларни симсиз улаш технологияларининг келажақи порлоқ ва қурилаётган тармоқ хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бу технологияларни қўллаш кутилган самарани бериши мумкин.

Б.АБДУХАЛИЛОВ,
ТАТУ Фарғона филиали талабаси



ЯХШИ НОМ

Касбдошим — меҳнат фахрийси Усуфжон Нарзилинов ҳақида ҳар сафар ўйлаганимда яшаб ўтган умри, қилган ишларининг янги-янги қирралари очилаверали. Қаҳраонимиз камтарлиги, тўғрисиқ ва ҳалоллиги учун салкам 45 йил Сўх тумани алоқа боғдамасида электромонтёрлик вазифасида ишлаб, туманда алоқа соҳасида ривожлантириш ишига аргизулик ҳисса қўшиб кетди. Унинг номи “Демурсад”, “Чашма”, “Мулгон”, “Обишир” каби маҳаллаларда яшаётган аҳоли ҳурмат билан ёдга олади.

Бугунги кунда алоқа соҳасида ишлаб келаётган Абдусалом Жўраев, Ҳақимжон Муродов, Масъуджон Ҳамроалиев, Алижон Тоштемиров, Воситжон Қобиллов, Абдусалом Набиев, Раҳимжон Мамажонов каби алоқа фидойилари қаҳраонимизнинг шоғирдари. Доимо халқ хизматига елиб-юғуриб, эл орасида ҳурмат-эътибор топган инсонга фахрийлик гаштини суриш насиб этмади.

Фахрийликка чиқиб эндигина фарзандлар роҳатини кўраман деганида, бешафқат ўлим уни орамиздан олиб кетди. Лекин унинг номи касбдошлари қалбиде муҳрланиб қолди.

Аскарбек АНБАРЖОНОВ
Фарғона вилояти

Маълумки, мижозларни анъанавий (симли ёки ўтказгичли) тарзда коммутация марказларига улаш учун операторлар анчагина харажат қилиши керак ва улашиш жараёнининг ўзи ҳам вақтни олади. Шу билан бирга, телекоммуникация операторлари даромадларини оширишлари учун мижозлар улашиш линияларини қуришлари ва уларни такомиллаштиришлари лозим.

Мижозлар линияларини зичлаштириш, “охириги мил” муаммолари каби тавсия қилинган ва кенг қўлланилаётган технологиялар билан бир қаторда, ҳозирги пайтда симсиз мижоз улашишлари катта эътибор қозоняпти. Бу технология афзалликлари кабеллар мавжуд бўлмаган ёки такомиллашмаган кабелли технологиялар (географик жиҳатдан ноқулай жойлашган туманлар, қишлоқ жойлари, шаҳар атрофи ва ҳоказолар) инфратузилмасида яққол намоён бўлади. Симсиз тизимлар ва радиоулашиш асосида ҳосил қилинган мижоз улашиш тизимлари тармоқни мижозлар талабларини эътиборга олган ҳолда тезроқ ишга тушириш имкониятини беради. Натижада тармоқни қуриш учун бошланғич харажатлар миқдори ҳамда ўз-ўзини қоплаш муддати кескин камаяди. Тармоқни эксплуатация қилиш ва техник хизмат кўрсатиш учун кетадиган харажатлар ҳам камаяди. Мижоз тармоқларини қуришнинг бошқа усуллари билан биргаликда симсиз мижоз улашишлари симли тармоқ нуқтаи назаридан “ноқулай” бўлган ихтиёр мижозни муаммосиз улаш имкониятини беради.

Бугун телекоммуникация бозоринда бир-биридан мейморий, техник параметрлари ва асосийси — ҳал этадиган муаммо турига қараб фарқ қиладиган кўплаб симсиз улашиш тармоқлари мавжуд.

Бу тизимларда турлича технологиялар қўлланилади ва улар операторнинг алоқа ҳосил қилишга бўлган эҳтиёжларини турлича қондиради. Мазкур тизимларнинг бир қисми уяли алоқа стандартлари (AMPS, NMT, GSM, CDMA)га, бошқа турлари эса радиорежли технологияларга асосланган. Катта ҳудудларни қоплаш мақсадида келтирилган тизимлар оптимизация қилинади ва, демакки, мижозлар унчалик зич жойлашмаган ҳолатлар учун қўллашда жуда самарали ҳисобланади.

1-расмда мижозларни симсиз улаш тузилиш схемаси келтирилган. Бу схемадаги қисқартмалар куйидагиларни англатади:

Махлиёнинг маҳорати

Янги 2011 йилнинг давлатимиз раҳбари томонидан Кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик йили дея эътироф этилиши тadbirkorлик фаолияти билан шуғулланаётган кўплаб юртдошларимиз кўнглини шод этди. Хар бир йил қайси ном билан юритилмасин, унинг замирида инсон манфаатларини химоя қилишдек олижаноб мақсадлар турганлиги шубҳасиз.

Мустақиллик йилларида юртимизда кичик бизнес ва тadbirkorликни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Натيجада бу соҳа вакиллари аллақачон ўзларининг маҳорат ва иқтидорларини, нималарга қодир эканлигини кўрсата олди. Улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар нафақат ички, балки жаҳон бозорларини безамокда.

Шуниси эътиборлики, хусусий секторда ёшларимизнинг ҳам муносиб ўрни бор. Ана шундай иқтидорли, қобилиятли ёшларимиздан бири қашқадарёлик Махлиё Абдурахмонова тимсолида ҳам бугун ёшларимиз эришяётган ютуқ ва имкониятларни кўриш мумкин.

Махлиё Абдурахмонова эндигина 20 ёшни қарши олган бўлса-да, эришган ютуқлари талайгина. 2006-2009 йилларда Қарши ахборот технологиялари коллежида таҳсил олди. Талабалик даврида ўзбек

миллий либосларининг тарихи ва бугунги бағишланган “MA-Design” номли веб-сайт яратиб, бу орқали жаҳон халқларининг нафақат миллий либосларимизга, балки боқий миллий қадриятларимиз, анъаналаримиз ва урф-одатларимизга бўлган эътиборини юксалтиришга хизмат қилишни ният қилди.

2007 йилда “Келажак овози” республика танловида “Тасвирий санъат ва амалий санъат” йўналиши бўйича қатнашиб, танловнинг вилоят босқичи ғолиби бўлди. 2008 йилда дизайнерлик соҳасига қизиқиши ортиб, танловнинг “Архитектура ва дизайн” йўналиши бўйича республика босқичи ғолиблигини қўлга киритди. 2009 йилда Президент соврини учун ўтказилган “Ташаббус-2009” вилоят кўрик-танловининг “Энг яхши хунарманд” йўналишида ғолиб бўлди. Шунингдек, вилоят хунармандлари ўртасида ўтказилган “Кўли гул хунарманд”



танлови ғолиби, 2010 йилда Ўзбекистон санъати ва маданияти форуми томонидан ташкил этилган “Навқирон Ўзбекистон” фестивалида иштирок этиб, сертификат билан тақдирланди.

— Иккинчи йилдирки, яқка тартибдаги тadbirkor сифатида фаолият олиб борапман, — дейди Махлиё. — Ички бозорга маҳсулотлар ишлаб чиқарамиз. Марказда хунармандчилик ва дизайнерлик касбини эгаллашни ният қилган ёшлар кўпчиликини ташкил этади. Бундан ташқари, улар каштачилик, тўқувчилик ва тасвирий санъат каби хунарларни ўрганишяпти. Шунингдек, вилоят “Хунарманд аёллар” уюшмаси томонидан ташкил этилган “Уста-шоғирд” мактабида тикувчилик ва дизайнерликдан машғул олиб бораман.

Махлиё Абдурахмонованинг орзулари бир олам.

— Ҳозирда миллий матолар ёрдамида замонавий келин кўйлақларини тикиш устида иш олиб борапман. Сир эмас, Европа давлатларидан келиб келаётган замонавий кўйлақлар урф бўлиб қолаёттир. Мақсадим ривожланган давлатларда ўзимнинг кўرғазмаларим билан иштирок этиб, Қашқадарё ва Сурхондарё воҳасида қадимдан урф бўлган, бугун ҳам қайта сайқалланиб лобар қизларимизнинг чиройига кўрк бағишлаётган миллий либослар кўрғазмасини ташкил этиш, — дейди у.

Махлиё ҳали мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ яхшигина тикувчи-дизайнер эди. Йиллар, турли танловлар унинг маҳоратини янада оширди.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
“Хабар”нинг Қашқадарё
вилоятидаги мухбири

Хуррам Райимов
“Сурхондарё телерадиоканали”нинг сайёр мухбири сифатида хизмат кўрсатмоқда. Вилоятнинг шимолий туманларида неки янгилик рўй берса, “Янги аср” радиоси тингловчиларига ўз вақтида етказиб турибди. Бунда тезкор ахборот воситалари катта ёрдам бермоқда. У мобил телефони орқали тўғридан-тўғри эфирга чиқиб баробарида диктофонга туширилган овозли ёзувларни ҳам кечиктирмасдан радио муҳарририятига тақдим этмоқда.

Амалдаги ахборот асрининг бундай имкониятлари ҳозиржавоблик билан бирга ижодий фаолиятнинг таъминлашяпти. Касбдошлари қатори Хуррам Райимов ҳам репортёр билан ишлаган кезлари бунчалик унумга эришса олмаган. Сабаби радиомаҳсулотни касетадан магнит тасмасига тушириш ва уни монтаж қилиш жараёни кўп вақт ҳамда меҳнатни талаб этади. Баъзан монтажхонада навбат кутишга тўғри келар эди.

— Ҳоҳида ишни тугатолмай Термизда қолиб кетган чоғларим ҳам бўлган, — дейди Хуррам Райимов. — Бугун ўша сермашаққат дамларни эсласам, бизга катта қулайлик ва кенг имкониятлар берган истиқлолга минг бора шукр қиламан.

Дарҳақиқат, “Янги давр” сайёр мухбир кўлига фақат асрбоп дастур бермади, балки радиотехникаларни юз фойиз замонавийлаштиришга етарли шароит яратди. Энди овозли ёзув компютер хотирасига олинган ҳолда бир йўла монтаж ҳам қилинмоқда.

Райимовнинг

кўшалок бахти

Хуррам ака рақамли дастгоҳларни моҳирлик билан ишлатаётган Тамара Абдурахмонова, Рўзихон Имомова каби ҳамкасблари ҳимматидан мамнун. Улар Тошкент шаҳрида малака ошириб қайтгач, “бугуннинг одами”га айланиб қолишди. Илгари радиоларча монтаж учун чамаси ярим соат вақт сарфланган бўлса, ҳозир компютердаги монтажда дақиқалар кетмоқда, холос.

...Яқинда Хуррам Райимов кутлуг олтимиш ёшга тўлди. Шу боис 2010 йил унинг умр дафтарида зарҳал ҳарфлар билан ёзилди. Гап шундаки, у элига ҳам моҳир радиожурналист, ҳам истеъдодли шоир бўлиб танилди. Унинг “Моҳитобоним”, “Кўшқанот”, “Кўнгил муждалари” каби шеърий тўпламлари “Чулпон” ва “Ғафур Фулом” нашриётларида чоп этилган.

Табиийки, бундай муборак ёшга етган ҳар бир инсон ортада қолган гоҳ шодон, гоҳ серташвиш кечган дамларни ёдга олади. Дарвоқе, Хуррам уч ёшидан бошлаб тақдир тақозоси билан тоғалари тарбиясида вояга етди. Уларнинг бири — Йўлдошбой найда “Чули ироқ”ни чалиб мурғак қалбига миллий ғоя туйгуларини муҳрлаган бўлса, Жумабой бахши дoston айтиб, зуун тунни оппоқ тонга уларди. Бундай соғлом ва жўшқин муҳит жиян кўлига анча барвақт қалам тутқазди. Ҳаваскорга хос машқларига мактабнинг адабиёт ўқитувчиси Зулфия Йўлдошева илк бор баҳо берди. Шу тарзда у тўгаракнинг фаол аъзосига айланди.

Тошкент тиббиёт билим юртида ўқиб юрган кезларида ҳам ижодий машқни тўхтатмади. Талабалик даврида ёзувчи Шукр Холмирозев билан

ногаҳон ҳамсуҳбат бўлиб қолди. Маслаҳатга биноан, эртасига Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасига шеър дафтари олиб борди. Миртемир домла ҳаваскор ижоди намуналарини кўра туриб, кўшни хонадаги кишини чақирди. У — Юсуф Шомансур эди.

— Бу бўтам Сурхон тарафдан экан, — деди таниқли шоир, — ёзганлари билан танишингда, тўғри йўл-йўриқ кўрсатинг.

Юсуф Шомансур қизил рангли дафтари варақлаб чиққач, ҳаваскор ижодкорга юзланди:

— Ҳилола сўзининг маъносини биласизми?

Кутилмаган савол Хуррам Райимовни бир оз шошириб қўйди. Аммо “Ҳилола” ҳақидаги тасаввурини мустақил баён эта олди. Кўп ўтмай унинг илк шеърлари республика матбуотида ёритилди. Озгина ва соғина эътибор Хуррам Райимовга кўтаринки кайфият бахш этди.

Китобхонлик — Хуррам Райимовнинг энг сеvimли машғулоти, шу фазилати туфайли тафаккурини тобора чархлаб боради.

Қаддингни тик туттин, ҳазрати инсон, Довдираб қолмагин нолон.

Йўлингни ёритсин мисоли юлдуз Юрагингда сақлаб юрганнинг — имон, — дея элдошларига мурожаат этади шоир.

Хуррам ака радиомуҳаррият буюртмаси билан хизмат сафарига бўлган пайтлари мустақиллик шарофатини дилдан ҳис этади. Қишлоқлар қиёфа-


сининг тубдан ўзгариб бораётгани, шинам уйлارга кираётган ёш оилаларнинг қувончи, маҳалладошига иш ўрни яратиш баробарида унинг узогини яқин, огирини энгил қилаётган мулкдор изланишлари унга, шубҳасиз, илҳом бахш этмоқда.

Зотан, Адиб Собир Термизий номли мукофот соҳиби Хуррам Райимов азиз умрининг ўтган кунлари зое кетмаганидан мамнун, ҳам радиожурналист, ҳам катталар, ҳам болалар шоири сифатида кўпдан-кўп мухлисларга эга бўлди. Уни нафақат туғилиб ўсган манзили Деновда, балки вилоят ва мамлакат миқёсида ҳам биладиганлар оз эмас. Хуррам ака бундай камоли-эҳтиромлар учун турмуш ўртоғи Гулчехра опа Шукуровадан беҳад миннатдор, оилага муносиб бека, фарзандларга опа меҳрибон она бўлиб, шоир кутганидек кўшқанот бўла олди у. Қизи Муҳайёнинг Тошкент ахборот технологиялари университетида таҳсил олиш нияти ушалишига отаси қатори ҳисса қўшди.

Бугун “Гулистон” маҳалласидаги Райимовлар хонадони яна гавжум. Айниқса, неваралар қувончи хексиз. Улар безанган арча атрофида қувноқ давра олишиб, олтимиш ёшли бобоси — Хуррам Райимовни кўшалок байрам билан муборакбод этган ҳолда, зуоқ умр тилашмоқда.

Нортожи ЗИЁЕВ,
“Хабар”нинг Сурхондарё
вилоятидаги мухбири

ODAMLAR ORASIDA



БОЛА ВА КОМПЮТЕР

Ундан фойдаланишда қандай қоидалар мавжуд?

Хаётимизни компютерларсиз тасаввур қила олмай қолганимизга анча бўлди. Бу мўъжаз ускуна нафақат ишхоналар, балки хонадонларимизнинг ҳам тўридан жой эгаллаган. Улар дастлабкиларига қараганда янада такомиллашиб, ихчамлашиб, имкониятлари ҳам ортиб бормоқда. Компютер ишқибозлари сафи болалар ҳисобига янада кўпаяётгани бир томондан яхши, албатта. Компютерда ишлаш туриб боланинг билими ортади, онги ривожланади. Ҳамма янгиликнинг яхши ва ёмон томони бўлганидек, компютернинг ҳам салбий томонлари борми, ундан фойдаланишда қайси қоидаларга риоя қилиш керак? Мухбиримиз билан суҳбатда олий тонфали шифокор Гулзираёна Махмудова ана шулар ҳақида гапирди.

— Дарҳақиқат, кейинги пайтда компютерга ишқибоз болалар ва ўсмирлар анча кўпайди. Тан олиш керак, компютер фарзандларимизнинг билим даражасини ошириш, фикрлаш қобилиятини янада ўстириш, дунёқарашини кенгайтиришда муҳим аҳамиятга эга. Лекин энди ривожланиб келаётган бола организмга компютернинг электромагнит майдони салбий таъсир кўрсатишига ота-оналар ҳамма ҳам эътибор беравермайдилар. Шунингдек, компютер қаршида узоқ ўтириш оқибатида боланинг кўриш қобилияти сусаяди, кўзлари қизариб, ёшланади. Компютердан керагидан ортиқ даражада фойдаланиш эшитиш, кўриш, бош мия, суяклар тузилишига салбий таъсир этиши исботланган.

Баъзан интернет-кафедрлар олдида ўтиб қолсам, қизиқиб ичкарига ки-

раман ва ачинарли ҳолатнинг гувоҳи бўламан. У ерда ўтирган мижозларнинг асосий қисми болалар ва ўсмирлар бўлишади. Улар томоша қилаётган филмлар ва ўйинлар ҳақида гапирмас ҳам бўлади. Бешафқатлики, жангариликни тарғиб этади уларнинг кўпчилиги. Шунинг учун ҳам бундай масканларга катталарнинг назорати жуда ҳам зарур деб ўйлайман. Айниқса, ўн ёшгача бўлган болаларнинг интернет-кафедрларга киришларига мутлақо йўл қўймаслик лозим.

Умуман олганда, беш ёшгача бўлган болаларга бир кунда компютер қаршисида етти дақиқа, олти ёшларга ўн дақиқа, 12 ёшгача бўлган ўқувчиларга 15 дақиқа, 13-14 ёшдаги ўсмирлар 20 дақиқа, 15-16 ёшга кирган ўғил-қизларимиз 25 дақиқа давомида ўтиришлари ва бу машғулотларни ҳафтада бир ёки икки

марта ўтказишлари юқоридаги салбий таъсирлардан четда қолишларига сабаб бўлади. Ота-оналар мана шу қоидага қатъий риоя қилсалар, ўзлари учун ҳам, фарзандлари учун ҳам фойдалан холи бўлмайди, албатта.

Шуни алоҳида таъкидлашни истар эдимки, кейинги пайтларда ота-оналар фарзандларини “интернет-кафе”ларга юборишни истамаганлари сабаб оилаларига компютер сотиб олишни маъқул кўрмоқдлар. Лекин бунинг ҳам ўзига яраша талаблари бор. Аввало фарзандлари учун компютер сотиб олмақчи бўлган ота-она унинг қайси турини сотиб олиш ҳақида мутахассис маслаҳатини олмоғи лозим. Қолаверса, компютер стол-стули боланинг ёшига, бўйига мос бўлиши лозим. Боланинг ёшига қараб компютер олдида ўтириш вақтини белгилаш ва хонани тез-тез шамоллатиб туриш

керак. Энг муҳими, компютер кенг ва ёруғ, намлик миқдори етарли даражада бўлган хонада, бошқа электр асбобларидан узоқ жойлаштирилмоғи лозим. Шунинг унутмаслик кераки, компютер экранига ёруғлик тушиб туриши мумкин эмас.

Азиз ота-оналар! Фарзандингиз соғлиғи ҳақида жиддий қайғуриш — унинг келажаги нурли бўлишини таъминлашнинг энг муҳим жиҳати эканлигини унутманг. Зеро, соғлом боладан соғ фикр чиқади. Агар боланинг компютерда мукамал ишлашини, билим ва тафаккурни ортиб боришини истасангиз, ундан фойдаланиш қоидаларига риоя қилинг. Шунда ўзингизга ҳам, жамиятга ҳам фойда келтирган бўласиз.

Муборак МИРКАМОЛОВА
Эшб олди

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги “Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 458-қарори билан тасдиқланган “Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида”нинг 49-бандига асосан “BUXORONEFTGAZSUVQURILISH” ОАЖнинг (Бухоро вилояти) шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002226 рақамли лицензиянинг амал қилиши 2011 йил 3 январдан тугатилди.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Фаргона филиали жамоаси Яйпан почта алоқаси тармоғи ходими Абдувоҳид ШОКИРОВни муборак 60 ёшга, Риштон почта алоқаси тармоғи ходимлари Хусанбой РАСУЛОВ ҳамда Салимжон РАҲИМОВни ва Олтиариқ почта алоқаси тармоғи Эски Араб алоқа бўлими бошлиғи Фурқатжон АБДУРАҲИМОВни 50 ёшга тўлишлари муносабати билан чин юракдан табриклайди. Уларга мустақкам саломатлик, узоқ умр, фарзандлари камолини кўришликни тилайди.

“Ўзбектелеком Интернетшил” маъсулияти чекланган жамиятининг “ЎИ-Термиз” филиали жамоаси Учқизилдаги дам олиш маскани раҳбари Маматқул МАҲМУДОВни 55 ёшга, филиал электромонтёри Нурбой ЮСУПОВни 50 ёшга тўлишлари муносабати билан табриклайди. Уларга мустақкам соғлиқ ва оилавий хотиржамлик тилайди.

“Сурхондарё Телеком” филиали жамоаси Термиз кабел участкасининг кабел пайванчиси Диловар САИДОВни 50 ёши билан муборакбод этади ва унинг эл-юрт равнақи йўлидаги меҳнатига барака тилайди.

МТС компаниясидан 500 килобайтгача MMS-хабарлар

2011 йил арафасида “МТС-Ўзбекистон” компанияси MMS-хизматининг фаол фойдаланувчилари учун ажойиб совға тақдим этмоқда. 2010 йил 29 декабрдан Ўзбекистонда биринчи бўлиб МТС компанияси абонентлари тармоқ ичда 500 Кб гача бўлган MMS-хабарлар алмашиш имкониятига эга бўлдилар (аввал MMS-хабарлар ҳажми 300 Кбни ташкил этарди). Бундан ташқари, энди компания абонентлари “МТС-Россия” компанияси абонентлари билан янада кўпроқ ҳажми 500 Кб гача бўлган рақамли фотосуратлар, юқори сифатли аудио ва видеофайллар алмашишлари мумкин.

MMS сервиси GPRS-Интернет ва WAP хизматлари билан бирга тақдим этилади. Хизматга компания офисларида ёки мустақил равишда «Шахсий кабинет» ёрдамида, шунингдек, USSD-командаси орқали *111*0011# ни юбориб улашиш мумкин.

53 миллиондан зиёд кўнғирокларга хизмат кўрсатилди

“Билайн” 2010 йилда Мижозларга хизмат кўрсатиш бўлими (МХБ) фаолиятининг якунларини ҳисобламоқда.

Ўтган йилда “Билайн” call-марказининг IVR (Interactive Voice Response) интерфаол овоз тизимлари 53 млн.га яқин кўнғирокларга хизмат кўрсатди. Шу билан бирга, мазкур даврда қарийб 10 млн.та кўнғирокқа МХБ операторлари хизмат кўрсатдилар. Шундай қилиб, IVR ахборот тизими абонент сўровларининг тахминан 77 фоизини тўлиқ ишлашини таъминлади. Бу эса ўтган йилга нисбатан 2 фоизга кўп демакдир.

“Биз “Билайн”нинг овозли сервислари осонлиги ва тушунарлилиги ҳақида ўйлаб қўйдик, — дейди “Юнител”нинг Мижозларга хизмат кўрсатиш бўлими раҳбари Оксана Моделова. — Уч юз нафарга яқин операторлар алоқа, интернет ва бошқа хизматлар хусусида мурожаат этганларни қўллаб-қувватлашга тайёрдилар. Компания сервислари миқдори мунтазам ўсиб бормоқда, мижозларимиз “Билайн”нинг call-маркази ҳар доим исталган масалани ҳал қилишга ёрдам беришига қатъий ишонилари мумкин”.

Сўровлар мазмунига келсак, 2010 йилда энг оммалашган сабаблар — “Алло”, “Алло! 1 сўм!”, “Соседи+” ва “Зўр-зўр” тариф режалари, шунингдек, “Beeline Club” ҳамда Суперакция бонус дастури бўйича мурожаатлардир.

Бугун Осиё кубогининг очилиш ўйини: Майдонда Қатар ва Ўзбекистон

Осиё кубогининг очилиш ўйини бугун соат 21:15да Катарнинг "Халифа" халқаро стадионида бўлиб ўтади. Унда Катар терма жамоаси Ўзбекистон билан баҳс олиб боради.



Осиё кубогининг очилиш учрашувида жамоаларнинг майдонга тушадиган формалари ранги аниқланган. Майдон эгалари - Катар ўзи-

нинг доимий ранги — тўқ қизил рангдаги формада майдонга тушса,

Ўзбекистон терма жамоаси оқ рангли формада майдонга тушади.

Мазкур учрашув ўтадиган "Халифа" халқаро стадиони 40000 кишига мўлжалланган. Сотувга чиқарилган 34000 донга билет аллақачон ўз эгаларини топиб бўлган.

Очилиш учрашувини япониялик ҳакам Юичи Нишимура бошчилигидаги ҳакамлар жамоаси бошлаб беради.



Вишванатан Ананд

Тошкентга келади

Ҳиндистонлик машҳур шахматчи, амалдаги жаҳон чемпиони Вишванатан Ананд шу йилнинг март ойида Тошкентга ташриф буюрмоқчи. У махсус турнир доирасида Осиё ўйинлари ғолиби, жаҳон чемпиони — Рустам Қосимжонов билан тезкор шахмат бўйича куч синашади.

Қиличбозлар баҳси

Пойтахтимизда қиличбозлик бўйича Ўзбекистон кубоги баҳслари яқунланди.

Рапирада пойтахтлик Рустам Дўстмухамедов финалгача барча рақибларини мағлубиятга учратиб, ҳал қилувчи баҳсда яна бир пойтахтлик спортчи Курбон Қаноатов устидан ғалаба қозонди. Учинчи ўрин андижонлик Рустам Урабзахтин ва Эмил Енилеева насиб этди.

Хотин-қизлар ўртасида пойтахтлик Зилола Илёсовага тенг келадигани топилмади.

Шапада ҳам пойтахтлик спортчиларнинг қўли баланд келди. Эркакалр ўртасида Дмитрий Филимонов, хотин-қизлардан Елена Гусева ғолиб бўлди.

Саблидаги беллашуларда Тошкент шаҳридан Искандар Обидхўжаев ва Яна Резниченко биринчи ўринни эгаллади.

Владимир Тўйчиев халқаро мусобақада иштирок этади

Гуанчжоуда ўтган Осиё ўйинларида делегациямиз ҳисобига олтин медални келтирган моҳир велоспортчи Владимир Тўйчиев янги мавсумни халқаро турнир билан бошлайдиган бўлди. Унга қўшилиб, яна бир ҳамюртимиз Роман Дронин ҳам шу йилнинг 20 январь куни бошланадиган жаҳон кубогида (трек)да иштирок этади.



Вакилларимиз Людмила Маркелова мураббийлигида қатнашишди. Ўзбекистон чемпиони эса феврал ойида бўлиб ўтади. Унгача эса велоспортчиларимиз мусобақага қизгин тайёргарлик кўришмоқда.

Сервер Жепаров — Ўзбекистоннинг 2010 йилдаги энг яхши футболчиси, Алексей Евстафеев эса энг яхши мураббий



Ўзбекистон футбол федерацияси 2010 йилги мавсум яқунларига кўра, журналистлар ўртасида "Энг яхши футболчи" ва "Энг яхши мураббий" номинациялари бўйича анъанавий сўровнома ўтказди.

Ўзбекистон футбол федерациясининг расмий сайтыда (www.the-iff.com) 9-31 декабр кунлари ўтказилган сўровда жами 74 нафар оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистоннинг 2010 йилдаги энг яхши футболчиси деб, иккинчи мартаба Ўзбекистон миллий терма жамоаси ярим ҳимоячиси

Сервер Жепаров топилди. Маълумки, Жепаров ўтган мавсумнинг биринчи қисмини Тошкентнинг "Бунёдкор" клубида ўтказиб, сўнгра Жанубий Кореяга йўл олди ва "Сеул" клуби билан мамлакат чемпионига айланди. 28 ёшли футболчи жами 95 балл тўлади. Жепаровдан атиги бир балл кам тўплаган "Пахтакор" ярим ҳимоячиси ва 2009 йилнинг энг яхши футболчиси Одил Аҳмедов иккинчи ўринни банд этди. Сўровномада учинчи погонани Бокунинг "Нефчи" жамоаси ҳужумчиси Баҳодир Насимов эгаллади.



2010 йилнинг энг яхши мураббийи номинациясида Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси бош мураббийи Алексей Евстафеев илк мартаба ғолиб чиқди. Ўз шогирдлари билан Осиё чемпионатининг финалига қадар етиб борган Евстафеев ҳисобида 172 очко бор. Иккинчи ўрин Ўзбекистон чемпиони Тошкентнинг "Бунёдкор" клуби бош мураббийи Миржалол Қосимовга насиб этди — 110 балл. "Шўртан" устози Эдгар Гесс эса 75 очко билан ушбу номинацияда учинчи қаторни банд этди.

Сергей Лушан "Бунёдкор" ўринбосарларига бош мураббий этиб тайинланди

Яқин ўтмишнинг моҳир футболчиси Сергей Лушан эндиликда "Бунёдкор"нинг ўринбосарлар (бундан кейин ёшлар жамоаси) билан ишлайдиган бўлди.

Лушан футболчилик фаолиятини "Бунёдкор" клубида 2008 йили яқунлади. Тажрибали ўйинчи катта футбол билан хайрлашгач, клуб академиясида фаолият олиб бораётганди.

Мазкур ҳафтада "Жар" стадионида йиғилиш бўлиб ўтди ва Сергей Лушан ўринбосарлар аъзоларига расман таништирилди.

Хави рекорд ўрнатди

Испания терма жамоаси ва Каталониянинг "Барселона" клуби ярим ҳимоячиси Хави Испания Кубогининг 1/8 финал жавоб учрашувида "Атлетик" (1:1)ка қарши учрашувда майдонга тушиб ўзига хос рекорд ўрнатди.

Гап шундаки, Хави клуб сафида майдонга тушган энг тажрибали футболчига айланди. Бу борада у 22 йиллик рекордни янгилади.

30 ёшли Хавининг бу учрашуви каталонияликлар сафидаги 550 учрашуви бўлди ва Хави 1973-1988 йилларда клуб шарафини ҳимоя қилган марказий ҳимоячи Мигелни битта учрашувга ортда қолдирди.

Эслатиб ўтамиз, Хави учун 2010 йил жуда омадли келди. Яна уч кундан сўнг ўз эгасини топиши кутилаётган "Олтин тўп"га айнан у асосий даъвогар саналмоқда.

Ғолиб спортчилар тақдирланди

Янги йил тантаналари давом этаётган шу кунларда мамлакат ва халқаро миқёсдаги мусобақалар ғолиби бўлган бир қатор сирдарелик спортчиларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

2010 йилда вилоят спортчилари турли даражадаги мусобақаларда 68та олтин, 79та кумуш ва 100та бронза медалларини қўлга киритди.

Боевутлик Сарвиноз Курбонбоева 2010 йилда катта ютуқларга эришди. У ўнинчи бор шахмат бўйича Ўзбекистон чемпиони бўлди. Шашка бўйича Россияда ўтказилган жаҳон чемпионатида Шаҳзода Турсунмуродова, Финляндия, Болгария, Украина давлат-

ларида бокс бўйича ўтказилган халқаро мусобақаларда Орузбек Шоимов олтин медалларни қўлга киритди. Гуанчжоуда ўтказилган Осиё ўйинларида академик эшак эшиш бўйича муваффақиятли иштирок этган мамлакат терма жамоаси аъзоларининг саккиз нафари вилоят спортчилари экани ҳам эътиборга молик.

Талбирда спортнинг бир қатор турлари бўйича намуна кўрсатган ёшлар, шунингдек, болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ўқувчилари, вилоят халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги Янгиер футбол мактаби тарбияланувчилари ҳам қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Бир одам Мусо пайгамбар (алайҳиссалом)нинг олдиларига келиб:

— Мени дуо қилинг, ҳайвонларнинг тилини тушунадиган бўлай, — деди.

Ҳазрати Мусо: — Ўзинг кўтара олмайдиган юк остига кирма. Сен учун шу ҳолинг яхши, — дедилар.

Келган одам яна ҳол-жонларига қўймади:

— Хеч бўлмаса, эшигимда ётган ит билан хўрознинг тилини биладиган бўлай...

Мусо (алайҳиссалом) бу ниятидан қайтаришга қанча уринмасинлар, у оёқ тираб туриб олди.

Ниҳоят, ҳазрати Мусо унинг ҳақиқига дуо қилдилар. Одам севиниб, уйига қайтди.

Кейинги куни хизматкори нонушта қилай деб сулага дастурхон ёзаркан, бир парча нон ерга тушиб кетди. Хўроз чакқонлик билан нонни илиб олди.

Унинг бу ишидан ит газабланди:

— Ҳой хўроз, шу ишинг яхшими? Сен бугдой ҳам ея оласан, арпа ҳам. Маккажўхори ҳам сенинг емишинг, бошқа ушоқлар ҳам. Менинг эса шу бўсағада нондан бошқа нарса ейишга имконим йўқ. Нега менинг ризқимга кўз олайтирялсан?

Хўроз жавоб берди: — Ҳақлисан, бироқ ҳеч қайгурма. Эртага хўжайиннинг эшаги ўлади, маза қилиб қорнингни тўйғизасан. Бу гапни эшитган одам эшагини бозорга чиқариб сотди. Кейинги кун эрталабдан ит билан хўрозни кузата бошлади.

Ит хўрозга таъна қиларди: — Хўрозвой, эшак ўлиб, биз қорни-

ГАФЛАТДА ҚОЛГАН КИШИ

мизни тўйдирмоқчийдик, нима бўлди?!

— Эшак-ку, ўлишга ўлди, лекин гап бошқа ерда — хўжайин уни сотди. Аммо сен хотиржам бўл, эртага от ўлади, катта зиёфат сеники бўлади, — деди хўроз.

Буни эшитган уй эгаси дарҳол отхонага югурди. Отни бозорга олиб бориб сотди. Уйига қайтаркан, ҳайвонларнинг тилини тушунишим яхши бўлди-да, қанча зарардан қутулдим, деб ўйларди.

Эртаси куни тонгда «Қизиқ, бутун нимани гаплашишаркан?» деб ит билан хўрознинг ёнига борди. Ит яна хўрозга жаҳл қиларди:

— Ҳой хўроз, бу сафар ҳам айтганинг бўлмади. Сен ҳам ёлгончиликни бошладингми, а?

— Йўқ, мен ёлгон сўзламадим. От ўларди, аммо хўжайин уни ҳам сотиб юборди. Бироқ энди унинг хизматкори ўлади. Марҳум ҳақиқа берилажак хайр-эҳсон, овқатлардан ҳаммамиз тўямиз, — деди хўроз.

Бу сўхбатни эшитган ҳалиги одам вақтни беҳуда ўтказмади, яна олдингилардай тез чорасини кўрди. «Шу

хўроз билан итнинг тилини билишим жуда яхши бўлди-да. Мана, қанча зарарлардан омон қолдим», дея ўйлаб

севинди ва эртасига ҳам ҳар галгидек ити билан хўрознинг гапларига қулоқ берди. Ит бу сафар ниҳоятда қизишган эди:

— Ёлгончи хўроз! Қани хизматкорнинг ўлгани-ю, бизнинг қорнимиз тўйгани? Неча кундир мени ёлгонларинг билан овуятпасан. Шу сенга ҳеч ярашадими-а?!

— Мен ёлгончи эмасман. Хизматкор ҳам ўлди, бироқ бу ерда эмас, бошқа жойда... Хўжайин яхши иш қилмади. Бало эшакка урилганида, бошқаларга тегмасди. Афсус... хўжайин гафлатда қолди, энди навбат ўзига, — деди хўроз, — ҳеч хафа бўлма.

BILOB QO'YGAN YAXSHI

Нобел мукофоти қандай мукофот?

Нобел ихтирочис шведиялик кимёгар ва бизнесмен, динамит ва бошқа портловчи моддалар ихтирочис Алфред Нобелдир.

Нобел мукофоти уни ўлимидан кейин машҳур қилди. Алфред Нобел 63 йиллик умри давомида яратган ихтиролар, кашфиётлар одамзод тараққиётига улкан ҳисса қўшди. Умри ниҳоясига етиб қолганини сезган Нобел яна бир кашфиёт яратдики, юз йилдан ортиқ вақт ўтса-да, бунақасини бошқа ҳеч ким яратмади. У қуйидаги васиятномада акс этган.

“Мен, қуйида имзо чекувчи Алфред Бернхард Нобел ўйлаб, бир қарорга келдим ва ушбу нома орқали вафотимгача орттирган мол-мулким хусусида васиятни эълон қиламан.

Мендан кейин қоладиган, сотса бўладиган барча мулкимни васийларим қимматбахо қорғозларга айлантириб, жамғарма ташкил қилишлари керак. Ундан келадиган фойз ўтган йили одамзодга энг катта фойда келтирилганларга мукофот

тарзида берилсин. Фойзлар бешта тенг бўлакка тақсимланиб, қуйидагиларга берилсин:

Биринчи қисми физика соҳасида муҳим кашфиёт ёки ихтиро қилган одамга, иккинчиси кимё соҳасида йирик кашфиёт қилган ёки уни такомиллаштирган одамга, учинчиси физиология ёки тиббиёт соҳасида буюк ютуқларга эришган одамга, тўртинчиси инсоний орзу-умидлар, идеаллари акс эттирган энг буюк бадиий асар яратган одамга, бешинчиси халқларнинг жипслашувига, қулликни йўқотишга, мавжуд армияларни қисқартиришга ва тинчлик шартномаларига ҳисса қўшган одамга берилсин.

Менинг алоҳида истагим мукофот берилишига номзоднинг миллати таъсир этмасин. Мукофотни скандинавиялик ё бошқа, бундан қатъи назар, энг муносиб одамлар олишсин.

Ушбу васиятим охиригиси ва узил-кесилдир. У қонуний кучга эга ва агар вафотимдан кейин олдинги васият-

номаларим чиқиб қолгудек бўлса, улар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ниҳоят менинг охириги талабим шундаки, сўнги нафасимдан кейин ваколатли врач ўлим етганини аниқласин ва шундан кейингина жасадим куйдирилсин.

А.Б.Нобел. Париж, 1895 йил 2 ноябр”.

Мана муҳтарам ўқувчи, сизга Алфред Нобелнинг васиятномасини шундайлигича эътиборингизга ҳавола этдик.

Янги лауреатлар ҳақида Алфред Нобел туғилган кун — 21 октябрда хабар тарқатилади. Мукофот беришнинг расмий тантанаси Нобел вафот этган кун — 10 декабр куни ўтказилади. Мукофот топшириш воқеалари бир ҳафта чўзилади. Швеция учун бу кунлар байрам, шу кун «Нобел куни» нишонланиб, миллий байроқ кўтарилади.

Афтондил ИСМОИЛОВ тайёрлади

BILIMINGIZNI SINAB KO'RING

Ўзбекистоннинг биринчи почта маркасида кимнинг сурати акс эттирилган?

Газетанинг 24 декабр 52 (953)-сонида эълон қилинган “Тошкент телеминораси дунё телеминоралари ичда нечанчи ўринни эгаллайди?” саволига жавоб:

— Тошкент телеминораси Марказий Осиёдаги энг баланд қурилиш иншооти саналади. Унинг баландлиги 375 метр бўлиб, дунёда 11-ўринни эгаллайди.

Абдулҳақ ЧОРИЕВ Сурхондарё вилояти

ЛАТИФАЛАР

Маршрут такси тўхтади. Йўловчи: — Бўш жой борми? — Ҳа, учга жой бор. — Менга битта керак эди-да.

Овахон халлослаб бекатга етиб келди ва шу ерда турган йўловчилар сўради: — Ҳозир нечанчи автобус кетди, ўғлим. — Афсус, автобусларни санамаётган эдим, хо-лажон!

Футбол ўйини қизигандан қизди. Бир маҳал барча мухлислар бир кишини ҳақоратлай бошланди. — Дала, одамлар нимага бу кишини ҳақоратлашяпти, — сўради ўғил. — Ҳакамга сув тўдирилган баклашкани отгани учун. — Ахир баклашқа ҳакамга тегмади-ку! — Шунинг учун уни сўкишяпти-да!

<p>Xabar</p> <p>МУАССИС:</p> <p>ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ</p> <p>Бош муҳаррир: Абдусайд КҮЧИМОВ</p>		<p>ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:</p> <p>Ҳаким МУҲИТДИНОВ (Ҳайъат раиси), Асаджон ХҲЖАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Шухрат СОДИҚОВ, Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ, Сувои НАЖБИДДИНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).</p> <p>Тахририятга келган кўлэзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлангани мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда “Хабар”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.</p> <p>Тижорий материал — ❗</p> <p>Реклама матнларининг тўғрилигига тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.</p>		<p>МАНЗИЛИМИЗ:</p> <p>100043, Тошкент, Бунёдкор шоҳкўчаси, 8-уй. Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69. Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz</p> <p>Обуна индекси — 228.</p> <p>Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ. Навбатчи: Собит АҲАДОВ.</p>										
<p>Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.</p>		<p>Газета ҳафтанинг жума куни чиқади</p>		<p>“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.</p>		<p>G-102 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адади: 18302 нуска.</p>		<p>ISSN 2010-6424</p> <p>Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиш вақти — 20.00.</p>						
<p>Вилоят муҳбирлари:</p>		<p>Андижонда 226-47-80</p>	<p>Бухорода 223-27-85</p>	<p>Гулистонда 40-12-19</p>	<p>Жиззахда 226-06-34</p>	<p>Навоийда 225-91-10</p>	<p>Наманганда 226-61-85</p>	<p>Нукусда 534-35-45</p>	<p>Самарқандда 233-61-81</p>	<p>Термизда 224-06-12</p>	<p>Тошкентда 288-40-66</p>	<p>Урганчада 226-37-16</p>	<p>Фарғонада 226-87-71</p>	<p>Қаршида 314-08-99</p>